ШОЛИНИ КЎЧАТ ҚИЛИБ ЭКСА БЎЛАДИМИ?

СИРДАРЁ. Боёвут туманидаги «1 Май» ширкатлар уюшмасида янги тажрибага қўл урилди. Шоли етиштиришда жаҳон андозаларига ўтиш мақсадида чорак гектар майдонда шоли кўчатлари ундирилмоқда. Кўчатлар етилгач, вилоятда биринчи бўлиб шолини кўчат ўтказиш йўли билан етиштириш синовдан ўтказилади. Мутахассислар шу йўл билан шоли ҳосилдорлигини бир ярим-икки баробар ошириш мумкинлигини таъкидламоқдалар.

Абдужалил УМАРОВ.

ЭСЛАБ ЮРАДИГАН БЎЛИШДИ

ТОШКЕНТ. Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни пойтахт вилояти шаҳар-қишлоқларида ҳам байрамона нишонланди. Хусусан, Қибрайда вилоят миқёсида ўтказилган тадбир ўзига хос тантанага айланди. Шу куни кўнгил очар барча ўйинлару, томошалар кичкинтойларга кўрсатилди. Тадбирга вилоят хотин-қизлар қўмитаси, «Камолот» ёшлар жамғармаси вилоят бўлими, «Экосан» жамғармаси ҳамда Қибрай тумани ҳокимлиги бошчилик қилди. Куйи Чирчиқ туманида эса бир йўла 35 нафар боланинг суннат тўйи ўтказилди.

Соҳибжон САЛИМОВ.



СЎНГГИ СОАТДА

Мухбирларимиз хабар қиладилар

«РЕКТОР КУБОГИ» УЧУН БАҲС

ТОШКЕНТ. Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент Давлат техника университетида соҳибқирон Амир Темур таваллуди ва мустақилликнинг беш йиллигига бағишланган футбол мусобақаси ўтказилди. «Ректор кубоги» учун курашда нефть ва газ факультети ёшлари ғалаба қозонишди. Энергетика маркази футболчилари иккинчи ўринни эгаллашди. Ғолибларга эсдалик совғалари ва пул мукофотлари топширилди.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ.

ВИЛОЯТДА БИРИНЧИ

ФАРҒОНА. Фурқат тумани пиллакорлари вилоятда биринчи бўлиб йиллик режани бажаришди. Хирмонга 200 тоннадан ортиқ саноат хом ашёси етказиб берилди. Жанубий Кореядан келтирилган ҳамда ўзимизнинг «Фарғона-5» ва «Тетрогибрит-3» навларининг ҳар қути уруғидан 65 килограммгача ҳосил олинди.

Алишер ИБОДИНОВ.

МАРРА ЭГАЛЛАНДИ

БУХОРО. Вилоят пиллакорлари йиллик режани бажардилар. Давлатга 2 минг тоннадан зиёд юқори навли пилла топширилди. Режага қўшимча яна 300 тонна хом ашё топширишга аҳд қилинган.

Даврон БАҲРОНОВ.

«ҲУЖУМ»ЧИЛАР ҲУЗУРИДА

САМАРҚАНД. Шаҳар партия кенгаши қошидаги депутатлар клубининг навбатдаги машғулоти «Ҳужум» пиллакашлари ҳузурида ўтказилди. Клуб раиси, Самарқанд меъморчилик-қурилиш институти ректори Р. Холмуродов, ХДП шаҳар кенгаши биринчи котиби Ш. Темуров партия сиёсатини юритишда ХДПдан сайланган депутатлар фаолияти ҳақида сўз юритдилар.

Фармон ТОШЕВ.

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1996 йил 4 июнь, сешанба № 68 (21.989).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ



СУРАТДА: Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Россия Федерацияси Президентининг Тожикистондаги мухтор вакили Евгений Михайловни қабул қилган пайт.

Р. ШАГАЕВ (ЎзА) олган сурат.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 3 июнь куни Россия Федерацияси Президентининг Тожикистондаги мухтор вакили Евгений Михайловни қабул қилди.

Суҳбат чоғида қўшни Тожикистондаги вазиятнинг барқарорлашувидан ҳар икки мамлакат ҳам чуқур манфаатдор экани, зеро, бу масала минтақавий хавфсизликни таъминлашда муҳим ўрин тутиши таъкидланди.

Унда Тожикистонда барқарор тинчлик ўрнатиш борасида МДҲ доирасидаги, хусусан, Ўзбекистон-Россия ҳамкорлиги билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

Қабул маросимида Ўзбекистон Президентининг Давлат маслаҳатчиси Содиқ Сафоев иштирок этди.

Қабулда Россия Федерациясининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Филипп Сидорский ҳозир бўлди.

***

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 3 июнь куни Японияннинг «Марубени» корпорацияси президенти Ивао Ториуми бошчилигидаги делегация аъзоларини қабул қилди.

Президент Ислом Каримов мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари ривожланиш босқичига киргани ва Японияннинг кўплаб йирик фирмалари, жумладан, «Марубени» корпорацияси ҳам бунга алоҳида ҳисса қўшаётганини таъкидлади.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон билан «Марубени» корпорацияси ўртасида нефтни қайта ишлаш соҳасида, хусусан, Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи лойиҳаси бўйича ҳамкорликда амалга оширилаётган ишлар муҳокама этилди. Шунингдек, газ, тоғ-кон, енгил саноат ва транспорт соҳасидаги ҳамкорлик билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

Қабул маросимида Ўзбекистон Бош вазири Ўткир Султонов, Бош вазир ўринбосари Қайим Ҳаққулов иштирок этди.

Қабулда Японияннинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Укеру Магосаки ҳозир бўлди.

(ЎзА).

ФАОЛЛАР ЙИҒИЛИШИ

Самарқанд вилояти фаолларининг йиғилиши бўлди. Унда Вазирлар Маҳкамасининг «2000 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ижтимоий инфраструктурасини ривожлантириш дастури тўғрисида»ги қарорида ўртага қўйилган вазифалар муҳокама этилди.

Йиғилишда мамлакатимизда бозор муносабатлари шаклланаётган ҳозирги даврда қишлоқни ҳар томонлама ривожлантириш, аҳоли турмуш даражасини яхшилаш асосидагина иқтисодиётда барқарор тараққиётга эришиш, халқ фаровонлигини юксалтириш мумкинлигига эътибор қаратилди. Меҳнатга лаёқатли аҳолининг ҳаммаси хўжалик ишларида банд бўлиб қолмаслиги, уларнинг талайгина қисмини қишлоққа саноатни келтириш орқали иш билан таъминлаш муҳим аҳамият касб этмоқда. Аҳолини ичимлик сув ва табиий газ билан таъминлашни янада яхшилаш, халқ таълими ва соғлиқни сақлаш ишларини такомиллаштириш борасида ҳали кўп иш қилиниши лозим. Қишлоқда телефон алоқаси, уй-жой, савдо ва умумий овқатланиш, айниқса, маиший хизмат кўрсатиш корхоналари қурилишига жиддий эътибор бериш даркор. Йиғилишда ана шу ишларни амалга ошириш бўйича вилоят комиссияси тузилди.

Вилоят ҳокими А. Мардиев йиғилишда сўзга чиқди.

(ЎзА).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ МУҲТАРАМ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

БИСМИЛЛАҲИР РАҲМАНИР РАҲИЙМ!

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракатуҳу, муҳтарам юртбошимиз Ислом ака Абдуғани ўғиллари!

Яқинда 5 йиллиги нишонланадиган Ўзбекистон истиқлолининг шарофати, Сизнинг буюк саъй-ҳаракатингиз ва шижоатингиз туфайли тараққиёт сари юз тутган мамлакатимизда миллий ва диний қадриятларни эъзозлашга катта эътибор берилаётгани учун биз мўмин-мусулмонлар аллоҳ таолога беадад ҳамду сано ва шукроналар айтиб, мустақиллигимиз абадий бўлишини яратгандан тиламоқдамиз.

Айниқса, қадимдан қуббатул исломи дин бўлган Бухорои шарифни жаҳоннинг энг гўзал ва муборак шаҳарларидан бирига айлантириш йўлидаги улуғвор ишларингиз ҳар бир фуқаро қалбини қувонч ва шодликка тўлдирмоқда. Нафақат Марказий Осиёнинг, балки бутун мусулмон оламининг қутлуғ зиёратгоҳига айланган Баҳоуддин Нақшбанд меъморий мажмуини таъмирлашни ташкил этишга қўшган буюк ҳиссангизни халқимиз сира эсидан чиқармайди.

Бухорои шарифнинг 2500 йиллигини, бу муборак заминнинг асл фарзандлари, мустақиллик фидойилари Файзулла Хўжаев ва Абдурауф Фитратнинг юбилейларини ўтказиш тўғрисида Сиз имзолаган ҳукумат қарорлари қаторига Калон масжидини таъмирлаш ишларини ташкил этиш ҳақидаги фармойишингизнинг қўшилганини шу табаррук шаҳарга, барча бухороликларга бўлган катта ҳурмат-эътибор ва чексиз ғамхўрликнинг рамзи сифатида кутиб олдик. Жами 106 миллион сўм маблағ сарфланиб, қайтадан тикланадиган Калон масжиди мустақил Ўзбекистонимизда аждодлар маданий мероси юксак қадрланаётганини бутун жаҳонга намойиш этиши билан бирга диний байрамларда бир йўла 10 минг кишининг намоз ўқишига катта қулайликлар яратади.

Мустақил Ўзбекистонимизнинг бундан кейинги тараққиёти, халқимизнинг маънавий камолоти, дину иймон барқарорлиги йўлидаги улуғвор ишларингиз учун Сиз жаноби олийларига Бухоро вилоятининг барча мусулмонлари номидан чексиз миннатдорчилигимизни изҳор этамиз. Аллоҳдан Сизга сиҳат-саломатлик, бахт-саодат ва туганмас ғайрат-шижоат тилаймиз.

Бухоро шаҳридаги Калон жоме масжиди намозхонлари.
1996 йил 30 май.

«ЎЗИНБАНК» ОМОНАТЧИЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Ўзинбанкни ёпиш комиссияси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 12 февралдаги 54-сонли қарорига асосан индексацияга тегишли шахсий омонат эгаларига маълум қилади.

Индексация қилинган пуллар бўйича махсус ҳисобварақа очиш, омонат дафтарчаси ва омонатни олиш Ўзбекистон Республикаси Халқ банкининг Миробод бўлимида амалга оширилади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Кафанов — Нукус кўчаси, 2-уй.

ДАВЛАТ РАҲБАРИ ТАЛАБИ

Шри-Ланка Президенти давлат энергия компанияси ишчиларига икки кундан бери давом этаётган кўзғолонни тўхтатишларини буюрди. Ушбу кўзғолон хизмат турлари ҳамда давлат ишлари инқирозга юз тутишига сабаб бўлди. Шифокорлар чоршанба куни ток манбаи ўчиб қолганидан бери ягона жарроҳлик хонасида генераторлар ёрдамида операциялар ўтказдилар. Электр қуввати етишмовчилигидан кўпгина мактаб ва ишхоналар, пойтахтнинг кўпгина туманларига сув етказиб берувчи насослар ишламади. Бундан ташқари, газ насослари ҳам ишдан чиққан.

СИЁСИЙ БОШПАНА

Жанубий Корея ҳукумати шуни маълум қиладики, Шимолий Кориялик олим ва фавқулодда ихтиролар муаллифи айрим сабабларга кўра Жанубий Кориядан сиёсий бошпана сўради. Сеуллик масъул мансабдор шахслар олимни Чунг Гап Йул, 45 ёшда ва Жанубий Кориянинг илмий текшириш институти ходими деб топди. Ҳукумат улардан бошқа бирини радио эшиттирувлар сахналаштирувчиси, деб маълум қилди. КБС телевидениеси буни Ким Янг Хван деб таништирди.

КИТ ОВЧИЛАРИ

Янги Зеландия ҳукумати овчилар томонидан китларга қарши қўлланиладиган юқори қувватли электр найзаларни ишлатишни таъқиқлади. Келаси ой Шотландияда бўлиб ўтадиган Халқаро кит овлаш комиссиясининг анжуманидаги энг кучли таъқиқланиш Японияга қаратилган. Дарвоқе, бу найзалар китларни гарпун билан ушлагандан кейин ҳалок этиш учун ишлатилади. Янги Зеландия олимлари, шикастланган китлар ўлимидан олдин бир қанча дақиқа давомида озор чекадилар, дея таъкидлашмоқда.

ИРОҚ НЕФТИ

Клинтон маъмурияти АҚШ компанияларига Ироқ нефтини четга чиқариш ҳуқуқини беради. Ўтган ҳафта БМТ Боғдодга 6 йил мобайнида БМТ ва Вашингтон томонидан таъқиқланган шартлардан четга чиқиб, бир неча марта нефтни ташқарига сотиш ҳуқуқига розилигини билдирди. 1990 йил август ойининг охирида Ироқ томонидан Қувайтнинг босиб олинишига биринчилар қаторида қарши бўлган АҚШ нефтни четга чиқариш ҳақидаги эмбаргосига нисбатан иккиланди. Чунки АҚШ Ироқ Президенти Саддам Ҳусайнга бўлган ўз таъсирини кучсизлантиришни истамади.

МИТИНГДАГИ ТАЛАБЛАР

Бирманинг ҳарбий ҳукумати Аунг Сан Сун Кун демократик ҳаракатини муҳокама қилиш учун митинг уюштирди. Лекин мухолифчилар бошлиғи бу талабларга рад жавобини берди. Бу митинг Жанубий Рангунгда бўлиб ўтди. Бунда 43 минг одам иштирок этди. Митингда нутқ сўзловчилар Аунг Сан Сун Кунни ва унинг талабгорларини қоралашди.

ҚОНУН ЭЪТИҚОД ДАРАЖАСИГА КЎТАРИЛСА...

ЮРИСТЛАР КОНФЕРЕНЦИЯСИДАН КЕЙИНГИ ЎЙЛАР

Баъзан-баъзан эшитиб қолардик. Айтишарди-да.

— Ҳақ эдим. Қамаб юборишди. Тергов нотўғри бўлди. Судья адолатсиз экан. Прокурор ноқонуний «санкция» берди.

Ушанда фикримиз бузилган. Ўйга ботганмиз. «Ноҳақ ўтириб чиққан» суҳбатдошимизга раҳмимиз келган...

Орадан вақт ўтган. Ўша жабрдийданинг қилмишидан воқиф бўлганмиз. У тўғри жазоланган экан. Яна хаёлга зўр бериларди. «Нега айбини яширди?» «Бировни қоралади?»

Жиноятчида иқрор йўқ. Бировни ўлдирганида қўлга олинсаям, пора устида ушлансаям, айбини тан олмайди. Судлов идораларидан норози бўлиб юради. Фарзандини, уруғини уларга қарши фикрда тарбиялайди. Гўё у ҳақ. Оппоқ. Судья ёмон, прокурор ёмон, милиционер ёмон. Бунга ишонганмиз ҳам.

Нега шундай?

Чунки ҳуқуқ-тартиботдагиларни кам кўрардик. Қолаверса, биз улардан чўчиб тарбияланганмиз. «Қаматади, уради, сургун қилади» каби сўзлар билан болалигимизни қўрқувда қолдиришган. «Ўтириб чиққан», «ҳақ» эса доимо ёнимизда. Чойхонадаям сайрайди. Тўй-маъракадаям сайрайди. Авом халқни эса баттар ваҳима босгани-босган. Гўё униям бирор кун ушлайдию, олиб кетади.

Бундан келиб чиқадиган маъно нима? Ҳақ-ҳуқуқимизни билмасдик. Халқ билан судлов идоралари ўртасидаги сунъий тўсиқдан ўтишнинг иложи йўқ эди. Учрашув, мулоқотлар ўта расмий, эҳтиёткорона ўтарди. Шукрки, мустақиллик туфайли ўша қалин деворлар олиб ташланди. Илгари лабимизга учуқ тоширгган бу идоралар билан сингишиб кетдик. Натижада халқ суд, милиция, прокуратура жазо идоралари эмас, ўзининг нажот қалъаси, ҳимоя устунлигини билди. Қарабсизки, жиноятчиликка қарши курашдаги муаммолар, ҳуқуқ-тартибот органлари томонидан йўл қўйилаётган камчиликлар ўзаро ҳал этиладиган бўлди.

Ана шундан кейин бор гапни айтмай, ҳақиқатни яшириб бўладими? Йўқ. Куни кеча «Туркистон» саройида ўтган «Фуқароларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш ва аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш» мавзусига бағишланган Республика юристлари конференцияси шу ҳақиқат тамойилини ўзига дастур қилиб олди. Очиқ-ойдин, самимий, ўзаро фикр алмашишлар чоғида сезилдики ҳуқуқий демократик давлат қуриш осонликча кечмайди.

Анжуманда нималар устида тўхталди? Мамлакатимизда қонун устуворлигига эришишга интиляпмиз. Ҳар қадамимиз, давлатлараро муносабатларимиз, ички тизимдаги ҳаракатларимиз фақат қонун доирасида бўлади дейилгани бу. Ўшанданда 300 дан зиёд қонунлар қабул қилинди. Баъзиларининг лойиҳаси устида ишланяпти. Ўтган йилнинг 1 апрелидан Узбекистон Республикасининг янги Жиноят, Жиноят-процессуал ва Маъмурий жавобгарлик Кодекслари кучга киритилди.

Ҳозирги тараққиёт юрист маслаҳатисиз бирон-бир иш қилиш хатоликларга олиб боришини кўрсатяпти. Ўша учун ҳам вилоятларда ҳуқуқий хизматни жонлантириш керак. Иложи борича ҳар ташкилот, корхона, фирмаларда маслаҳатчи юристлар бўлишига эришиш лозим. Узбекистон жаҳонга юз тутаётган бир пайтда бу жуда муҳимдир. Республикамизда юридик фирмалар ташкил қилиш, уларнинг мақомини, ваколати-ю ихтисослашувини аниқлаш пайти келди.

Бозор иқтисодиёти ишимизда, рўзғоримизда таъсирини кўрсатяпти. Камчилигу хатоларимиз билиниб қолмоқда. Ўзаро шартномалар тузишда тажрибасизлик қилинаётгани фикримиз далилидир. Етмиш йиллик мустабидлик чоғида ҳужалик юристлари тайёрлашга паст назар билан қаралганиниям айтмаса бўлмас. Давр халқ хўжалигида юридик хизмат кўрсатувчи ҳуқуқшуносларни қўпайтириш зарурати ортганлигини кўндаланг қўйди. Негаки, кичик корхона, фермер, фирмаларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қила оладиган юристлар оз.

Энди икки оғиз сўз яна шартномалар ҳақида. Айтиш ўринлики, бу борада камчиликлар анча. Шартнома тузишда совуққонликлар мавжуд. Айниқса, хорижлик ҳамкорлар билан уни имзолаётганда зукко бўлмоқ шарт. Негаки, мукаммал тузилган шартнома юртимизга маҳсулот, ҳуқуқий маданиятимизга эса эҳтиром келтиради. Афсуски, бу борадаям муаммолар мавжуд.

Ҳуқуқий таълимга эҳтиёж ортди. Узбекистоннинг ҳар қайси фуқароси ҳақ-ҳуқуқини билиши бош масаладир. Шу ҳисобга олиниб пойдевор сифатида богчаларда «Одобнома» ўқитилаётибди. Халқимизда юз эшитгандан, бир кўрган афзал деган нақл бор. Ана шу ақидага биноан ўрта мактабларда атоқли юрист-олимлар, амалиёт ходимлари дарс бера бошладилар. Формада синфхонага кириб боришнинг ўзи ёшлар эътиборини тортмайдими? Тортади. Қизиқиш уйғонади. Прокурор қандай экан, судья қандай экан, милиционер қандай экан, деган турли саволларга эҳтиёж қолмайди. Жуда яхши бўларди. Ҳар қайси юрист бирон-бир мактабда ҳуқуқий таълим берилишини оталигига олса.

Пойдевори бўш иморат тез йиқилади? Ҳуқуқий билими саёз раҳбар-ходимчи? Очиқ айтилди. Қонунбузарликлар тўхтагани йўқ. Қонунбузарлар ичида мансабдор шахслар сони ортаётгани эса янада ташвишлидир.

Бу конференцияда кўтарилган муаммоларнинг айримлари. Хулоса эса бундоқ. Юристлар халқ билан, халқ ўзининг қонун ҳимоячилари билан тез-тез учрашмоғи жуда зарур экан. Ушандагина яқинлик бўлади. Қонун эътиқод даражасига кўтарилади.

Қурбон АЛИ,
«Ўзбекистон овози»нинг парламент фаолияти ва ҳуқуқ бўлими мудири.

Депутат минбари

ЭЛГА СУЯНЧИҚ БЎЛМОҚ КЕРАК

Қоракўл — Бухоро вилоятининг энг чекка туманларидан бири. Хизмат юзасидан ҳар гал ўша ёққа отлансам, албатта меҳнатсевар, ташкилотчи, маорифимиз жонкуярларидан бири Мардон Олтиев билан учрашишни дилимга тугаман. Дийдор кўришиб, дилдан суҳбат қурганимизда Мардон акани қоракўлликлар бежиз Олий Мажлис депутатлигига сайлашмаганлигига амин бўламан.

Меҳнат фаолияти, турмуш тарзи билан таниш бўлганим учун ҳам шўролар давридаги «халқ хизматкори» деб ном олган депутатлар фаолияти эсимиздан чиққани йўқ. Ҳа, ўтмишда улар депутатликни масъулият, мажбурият деб эмас, балки катта мартаба деб билишган.

Мустақилликка эришган, ўзлигини англаган халқимизнинг ҳақиқий вакиллари борки, улар парламентда фаолият кўрсатишяпти.

Мардон ака мақтанишни хуш кўрмайди. Катта гапириш, расмиятчиликни жини ёқтирмайди. Шу боис хизмат хонаси ҳам оддийгина, эшигига қулф кўрмайди, мудом очиқ, истаб келувчилар бисёр. Ҳаммасининг ҳурматини жойига қўяди. Дардини эътибор билан тинглайди. Мадад қўлини чўзади, жўяли маслаҳат беради. Хуллас, сайловчилари, ҳамма-ҳамманинг кўнглини олади.

Қабулга келувчиларнинг оёғи тингач, Мардон ака билан бафуржа гаплашишга имкон туғилди.

— Мардон ака, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси фаолият кўрсатаётганига бир йилдан ошди. Парламентимиз фаолиятидан қониқасизми?

— Халқимизнинг азалий орзу-интилишларидан бири демократик, адолатли давлат барпо этиш эди. Иншоолloҳ, ўтган йиллар давомида бу борада муайян ютуқларга эришилди. Парламентимиз шаклланди. Халқ ўз ҳокимиятини ўзи сайлаб қўйган вакиллари орқали амалга оширяпти. Депутатлар Олий Мажлисда ўз фикрларини эркин билдира олиш билан халқ манфаатларига хизмат қилувчи қонун ва ҳужжатларни қабул қилаётгани ҳам сўзимнинг далилидир. Олий Мажлиснинг бўлиб ўтган сессияларида қабул қилинган қонун ва қарорларни, менимча, санаб ўтишга ҳожат йўқ. Бугунги кунда улар амал қиляпти. Шуниси қувончлики, бу қонун ва қарор ҳамда ҳужжатларни қабул қилишда ҳар биримиз ўз фикримизни билдирганмиз. Қишлоқда иқтисодий ислоҳотларнинг тобора чуқурлашиб боришида улар муҳим аҳамият касб этяпти. Туманимизда мулкни давлат тасарруфидан чиқариш, хусусийлаштириш натижасида мулкдорлар қатлами вужудга келди. Хусусан, деҳқон қувончини айтмайсизми? Бундан илгари ернинг эгаси деҳқонмиди, асли!

Парламентимиз сессиядан сессиягача ўз фаолиятини тобора такомиллаштириб бораётганидан қувонамиз. Бунда ҳаммамизга ҳамжиҳатлик, бир-бирини тушуниш қўл келяпти. Бунинг асосий негизи — сайловчиларимиз билан, ҳаёт билан яқинлигимиз.

— Шу ўринда сўрамоқчи эдим. Илгари депутатни сайловчилар бир-икки йиғинда учратмаса, бошқа вақт тополмасди. Энди-чи?

— Ўтган ишга саловат, ҳозирдан гапирай. Туманимизда 113 минг аҳоли яшайди. Сайловчиларим ҳам шунга яраша: саноатчилар, дала меҳнаткашлари, соғлиқни сақлаш, халқ таълими ходимлари... Ҳар бирининг ўзига яраша таклиф-истаги бор. Сессиялар кун тартибига қўйиладиган масалаларда мақсад-моҳиятига қараб улардан фойдаланамиз. Бундан ташқари, ҳар бир сессиядан қайтишим биланоқ сайловчиларимга Олий Мажлисдаги фаолиятим ҳақида ахборот бераман. Сайловчилар ҳам бунга ташна. Чунки, улар илгаригидек лоқайд эмаслар, ҳаммасини билишга ҳаракат қилишади.

— Буни қабулингизга келаётганлардан ҳам билиб турибман. Айтингчи, депутатда айниқса, қайси хислат кўпроқ мужассам бўлиши керак?

— Депутатликни мен ҳеч қачон мартаба деб тушунмайман. Сайловчиларим олдида бурчлилигимни ҳечам унутмайман. Боя кўрдингиз. Қария аёл мендан мадад сўраб келди, кўзларида умид учқунини пайқадим. Ўғли эҳтиётсизлик туфайли автоавария содир этган. Мадад тилаб келган кишига қош-қовоқ қилиш номардлик! Ёки, иккинчи аёл, жуда ҳурматли инсон, туманнинг юксалишига ҳисса қўшган онахон. Айрим бюрократлардан хафа. Оналарга суянчиқ бўлмаган депутат кимга керак?

— Илгари туман халқ таълими бўлимини бошқаргансиз. Эндиликда эса туман касаба уюшмалари қўмиталари фаолиятини мувофиқлаштирувчи кенгаш раисисиз. Халқ таълими тақдири билан ҳамиша ҳам қизиқасизми?

— Касбим ўқитувчи бўлганлиги учун бунинг масъулиятини зиммамдан халос этолмайман. Халқ таълими бўлими мудири — ўзимнинг шогирдим. Туманимизда таълим тўғрисидаги қонун талаблари асосида лицей, гимназия мактаблари, синфлари ташкил қилишга бош-қош бўлганлигимдан бахтиёрман. Бундан кейин янги мактабларни кўпайтириш, жисмоний заиф, ногирон болалар билан якка таълимни ривожлантириш, ёш ижодкорларни қўллаб-қувватлаш каби ўнлаб юмушлар борки, менга улар тинчлик бермайди.

— «Ҳаммасига улгурасизми?» деган савол беришга ўзингиз туртки бўлдингиз.

— Ҳа, агар бир кун уйда ўтириб қолсам ўзимни бемор сезаман. Бундай пайтлар кам бўлган. Депутатлигимдан бошқа ўзим ишлаётган касаба уюшмалари қўмиталари фаолиятини мувофиқлаштирувчи туман кенгаши — янги ташкилот бор. Унинг ўзига яраша ташвиши бор. Айниқса, ташкилий даврда. Бундан ташқари, тумандаги муҳим юмушлар — газлаштириш, Шўхок қўлига сув ташлаш йўлларини излаш, қишлоқ хўжалигида экинларни ҳашаротдан асрашда ишлатиладиган дори-дармонларни ҳал қилиш каби сўровларга жавоб бериш... Ҳаммасига улгуришим керак.

— Маълумки, Олий Мажлисда ҳар бир партиянинг ўз фракцияси бор. Сиз Халқ демократик партияси фракцияси фаолиятида қатнашиб турасизми?

— Ҳа, албатта. Парламентимиз кўппартиялиликка асосланган. Ундаги ҳар бир партия фракциясининг ўз ўрни, мавқеи бор. Аммо мақсади бир. Шунинг учун ҳам парламентимиз нуфузи яхши, қудрати яқдилликда. Фаолиятим давомида бир неча бор қонунлар лойиҳаси юзасидан ўтказилган муҳокамаларда фикримни билдирганман. Айниқса, ҳарбий доктрина қабул қилиниши, Ўзбекистон Республикаси Давлат тили ҳақидаги Қонун (янги таҳрирда) лойиҳаси, лотин алифбосига ўтиш тўғрисидаги муҳокамаларда фракция аъзолари қатори мен ҳам ўз фикримни айтганман.

Суҳбатдош: Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Қўнғироқ

СУЗИШНИ БИЛАСАНМИ, БОЛАКАЙ?

Ҳарбий денгиз флотида, Тинч океанида хизмат қилганман. Биз, Ўрта Осиёдан борган йигитларнинг катта қусури, денгизчилик касбининг алифбоси — сузишни билмаслигимиз эди. Илк марта денгизга чўмилишга тушган йигитларимизнинг сузишни билмаслик оқибатида чўкиб кетишганининг гувоҳи бўлганмиз. Ҳайтовур ўрганиб кетдик. Бироқ, нафақат денгиз, балки оддий ҳовуз ёки каналда чўмилиш учун ҳам сузишни билиш керак. Бундан ташқари оқар сувларда чўмилиш саломатликни мустаҳкамлайди. Айниқса, ўсиб келаётган бола учун аҳамияти катта. Афсуски болаларимиз дарё ва каналлардан олисдалиги туфайли сузишни билолмай қоляптилар. Бу баъзан ҳар хил нохушликларга сабаб бўляпти...

Кейинги йиларда Фарғона вилоятида сузиш ҳавзалари қуриш борасида ибратли ишлар қилинди. Фарғонадаги ёпиқ «Дельфин» сув ҳавзаси, тўқимачилар комбинати, «Фарғона» ўйингоҳи спорт мажмуилари, Қува дон комбинати ва бошқа жойлардаги чўмилиш ҳовузлари ишлаб турибди. Болаларни сузишга ўргатиш мақсадида вилоят ҳокими икки йил аввал умумий таълим мактабларида сув ҳавзалари қуриш тўғрисида фармойиш чиқарган. Эътироф этиш керакки, бу ўз вақтида соғлом авлод келажаги учун фойдали ва узоқни кўзлаб қилинган саъй-ҳаракатлардан эди. Ёз мавсуми бошланди. Хўш, бу борада вилоятда қандай ишлар қилиняпти.

Гапнинг лўндаси: баъзи ютуқларни ҳисобга олмаганда чўмилиш ҳавзаларининг аҳволи қувонарли эмас. Фарғона шаҳар марказидаги илгари «Комсомол» кўли, деб аталган сув ҳавзаси икки-уч йилдан бери қуриб ётибди. Ваҳоланки, илгари бу кўлда катталар учун алоҳида, болаларга эса махсус чўмилиш жойлари бўларди. Эртадан кечгача болаларнинг шодон қийқириқлари янграрди. Шаҳарда чўмиладиган жой камлиги боис ўтган йили шаҳар болалари вилоят спорт қўмитаси раиси А. Аблякимовга вилоят газетаси саҳифасида «Жуда чўмилгимиз келяпти» сарлавҳали очиқ хат билан мурожаат қилишган: «Катталарнинг айтишича, — деб ёзади болакайлар, — болаларни сузишга ўргатиш учун махсус ҳовузлар қуриш тўғрисида вилоят ҳокимининг фармойиши бор экан. Ҳоким буйруқ қилгандан сўнг бажариш керак-ку! Бизга янгисини қурманг, кўлимизни сувга тўлдириб беринг, жон Анвар ака!»

Анвар ака ҳам бўш келмади. Газетада жавоб билан чиқди: «Бўталарим, ўзим ҳам 60-йилларда шу кўлда чўмилиб, сузишни ўрганганман. Аммо ҳозир кўлни тўлдиришга ноиложман. Чунки, кўл шаҳар коммунал хўжалик бошқармаси балансида бўлгани учун уни сақлаш ва ишга солиш шаҳар ҳокимлигининг вазифасига киради».

Асли, Марғилонсойдан сув оладиган бу кўл санитария талабларига жавоб бермайди, дея қуритишган. Ҳолбуки, вилоят санитария-эпидемиология станциясининг бош врачи А. Абдуқодировнинг фикрича, кўлни яна сувга тўлдириш мумкин, аммо сув сифати доимо мутахассислар назоратида бўлиши зарур. Демак, буёғи ҳафсалага боғлиқ.

Шаҳардаги энг катта сув ҳавзаси — «Қиргули» сузишгоҳи ҳам икки-уч йилдирки, ботқоқга айланган. Қуриган кўл тубида болалар мол боқишади, аллақандай бетон иншоотлар ҳам қад кўтаряпти. Бўлмаса, яқин-яқинда ҳам кўл соҳили гавжум бўлиб, ёшлар учун сузиш базаси ҳам мавжуд эди. «Ватанпарвар» денгиз мактаби фаолият кўрсатарди. Соҳибқирон Темур кўчасидаги болалар-ўсмирлар спорт мактабининг замонавий сузиш ҳавзаси эса салкам ўн йилдирки, ахлатхонага айланган. Вилоят спорт қўмитаси яқинидаги узунлиги 50 метрли ҳавза ҳам қуриб ётибди. Илгари бу ерда спортчилар машқ қилишар, ҳатто қишда сувни иситиш мосламаларини созлаш ҳам бошланган эди.

Вилоят ҳокимининг хайрли фармойишини бажаришда ҳамма ҳам бир жон-бир тан бўлаётгани йўқ. Ваҳоланки, фармойишга кўра 500 га яқин мактабда сузиш ҳавзаси қурилиши керак. Охунбобоев, Сўх, Боғдод туманларида бу борада бирмунча ишлар қилинди. Зеро, Марғилон шаҳри ва Фурқат туманларида ҳозиргача биттадан, Ёзёвон, Фарғона, Риштон, Данғара туманларида 3 — 5 тадан ҳовуз қурилган, холос. Бешариқда бирорта ҳам ҳовуз ишга туширилмаган. Тегишли идора ва ташкилотлар сузиш масканларини қуриш масаласига эътиборни кучайтиришлари зарур. Боиси, сузиш соғлом авлодни тарбиялашнинг муҳим омилларидан саналади.

Алишер ИБОДИНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

СОҲИБҚИРОН РУҲИНИ ШОД ЭТИБ

НАМАНГАН. Ўзбекистон Халқ демократик партияси вилоят кенгашининг мажлисхонаси байрам тусини олди. Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллигини нишонлаш доирасидаги вилоят ҳокимлиги ташкил этган халқаро илмий-назарий анжуманда саркарданинг хорижлик мухлислари ҳам иштирок этдилар.

Узбекистон Фанлар академиясининг академиги А. Аскаров, Узбекистон Фанлар академиясининг мухбир аъзоси А. Муҳаммаджонов, Франциянинг Ўзбекистондаги элчихонаси вакили жаноб Петрик Борис, Ҳиндистоннинг Узбекистондаги элчихонаси 2-котиби жаноб Лалвалхума, испаниялик олим жаноб Карлос Аластруэларнинг чуқур илмий маърузалари анжуман қатнашчилари эътиборини катта қизиқиш билан ўзига тортди.

Шу куни анжуман вилоят ҳокимлиги тегишли бўлим ва бошқармалари раҳбарлари, шаҳар ва туман ҳокимлари ўринбосарлари, ХДП фаоллари, вилоят олимлари, фан ўқитувчилари, Тошкент, Андижон, Фарғона вилоятлари олий ўқув юртларидан келган вакиллар иштирокида шўъбаларда ҳам давом этди. 50 га яқин илмий-назарий маърузалар ва қизиқарли ахборотлар тингланди.

Маҳмуджон ПАРПИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.



ЛАЙЛАК КЕЛДИ ЁЗ БЎЛДИ.

Муҳаммад АМИН олган сурат.

«ШИФОКОРИ МАЖИДИЙ» — ХАСТАЛАР МАЛҲАМИ

Мамлакатимиз дорихоналарининг ҳиссадорлик жамиятларига айлантирилиши ўзининг дастлабки самараларини бера бошлади.

Мулкчиликнинг ҳиссадорлик турига айлантирилган ана шундай дорихоналардан бири Ўрта Чирчиқ тумани марказида жойлашган «Шифокори Мажидий» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятидир.

Жамият аъзолари беморларга зарур дори-дармон турларини кўпайтириб, аҳолига хизмат кўрсатиш маданиятини тобора яхшиламоқдалар.

Ушбу жамоада меҳнат қилаётган 17 нафар киши ҳиссадорлик жамияти акцияларининг ярмидан кўпроғига эга.

Жамиятда 414 минг сўмликдан зиёд дори-дармон аҳолига имтиёзли нархларда сотилди. Келгусида тумандаги ногирон беморларга ғамхўрликни янада кучайтириш мақсади ҳам бор.

Соҳибжон САЛИМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Аскар мактублари

ОҒА-ИНИ БЎЛИБ КЕТГАНМИЗ

Фарғона водийсидаги ҳарбий қисмлардан бирида Ватан олдидаги йигитлик бурчимизни адо этиб турибмиз. Командирларимиз меҳрибон, айни пайтда талабчан. Юртимизнинг турли шаҳар, қишлоқларидан келган йигитлар капитан Фарҳод Жураев номини ҳурмат билан тилга оладилар. Лейтенант Т. Парпиев, сержантлардан У. Матёқубов билан Ф. Қутлиев ҳамиша бизга шахсий ибрат кўрсатадилар. Хизматдош аскарлардан Илҳом Нуралиев, Владислав Маляков, Саша Гаина, Ҳасан-Ҳусан Деҳқонбоевлар жанговар тайёргарлик, ўқув ва жисмоний маҳорат масаласида намуна.

Капитан А. Маллабоев бошчилигидаги ротамиз аскарлари жанговар машқларни ўрнига қўйиб бажаришда имкониятлардан старли фойдаланишга, йигитлик шаънини оқлашга интиладилар. Сержант Умид Матёқубов, кичик сержантлар Ш. Юсупов билан Б. Шерматовлар жанговар тайёргарлик машқларини бажариб, ҳарбий техникадан фойдаланишда командирларимиз эътиборини қозонишган. Умуман қисмимизда хизмат қилаётган йигитлар миллати ва қаердан эканлигидан қатъи назар бир оила фарзандидек дўст ва биродар. Бир-биримизни қўллаб-қувватлаб, елкадош бўлиб бурчимизни шараф билан адо этяпмиз.

Равшан МЎЙДИНОВ,
оддий аскар.

Ислоҳот ва манфаат

БИРИНЧИ БЎЛИБ ШЕРИКЧИЛИККА ЎТДИ

Бир қарашда арзимаган гапдек. Чунки юртимизда ҳиссадорлик жамиятларининг пайдо бўлиши янгилик эмас. Бироқ бу ўринда гап вилоят деҳқончилигидаги янгилик ҳақида бораётир.

Боёвут туманидаги «1-Май» ширкатлар уюшмаси тумандагина эмас, балки Сирдарё вилоятида ҳам биринчи бўлиб ҳиссадорлик жамиятига ўтиш ҳақида қарор қилди.

— Жамиятимиз мулки жами 17 миллион 304 минг сўмга баҳоланди ҳамда унинг ҳудудида шу кунга келиб 1298 кишининг меҳнат қилаётгани қайд этилди, — дейди жамият раиси Ғофуржон Алиев. — Шундан бир кишига тегадиган мулк қиймати келиб чиқади. Бу эса мутахассисларимизнинг ҳисоб-китобларига кўра 18 минг 257 сумни ташкил этди.

Иқтисоди ривожланиб бораётган хўжалик ўтган йили вилоятда биринчи бўлиб давлатга пахта сотиш режасини ошириб адо этган эди. Бу йил ҳам 1165 гектар ерда пахта, 726 гектар ерда ғалла, 367 гектар ерда эса шоли етиштирилмоқда. Жамоа бу йил ўз хўжалиги тарихида барча соҳалар бўйича юқори кўрсаткичларга эришмоқчи. Йил охирига борib эришилган соф даромаднинг 30 фоизи дивиденд сифатида тақсимланади. 70 фоизи эса ҳиссадорлик жамиятининг иқтисодий ривожланишига сарфланади.

Аблужалил УМАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

БОЛАЖОНЛАР ХУРСАНД БЎЛИШДИ

Дунёда бола кулгусидан, хурсандчилигидан гўзал ва азизроқ нарса бўлмаса керак. Уларнинг соғлом бўлиши келажагимизнинг пойдевори, мамлакатимизнинг эртасидир. Биринчи июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишлаб Бобур номли маданият ва истироҳат боғидаги байрам тантаналарида иштирок этган ҳар бир киши бунинг якқол гувоҳи бўлди. Эрталабданоқ чор-атроф куй-қўшиққа, ширинтойларнинг шодон кулгусию қийқириғига бурканиб кетди. Барча яхши нарсалар болажонларга аталди. Шу кунги тадбирга боғчалар тарбияланувчилари, мактаб ўқувчилари, ота-оналар таклиф этилди. Улар учун салқин ичимликлар, музқаймоқ савдоси, умумий овқатланиш ва бошқа қулайликлар ташкил этилди. Қўғирчоқ театри спектакллари, ёш спортчиларнинг чиқишлари барчада катта таассурот қолдирди. Байрам кечгача давом этди. Бу кун болажонларнинг хаёлотида муҳрланиб қоладиган бўлди.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ.

Ҳуқуқшунос мулоҳазалари

ГИЁҲВАНДЛИК ЖИНОЯТГА ЕТАКЛАЙДИ

Гиёҳвандликка қарши кураш нега қийин кечмоқда? Турган-битгани фалокатдан, фожиадан, жиноятдан иборат бўлган бу иллат томири нега қуримаяпти?.. Ана шу каби саволлар соғлом фикрлиларни ташвишга солаётгани табиий.

Гиёҳванд моддалар асосан қишлоқларда, тоғли жойларда ноқонуний равишда етиштирилмоқда. Мақсад битта: енгил-елпи йўл билан мўмай пул топиш. Етиштирувчи билан истеъмолчи ўртасида эса воситачи туради. Пихини ёрган катта-кичик «нарко-бизнес» гуруҳлари пайдо бўлган. Нафс йўлида улар ҳар қандай қабиҳликдан, ҳатто бегуноҳ одамларни қурбон қилишдан ҳам қайтишмайди. Ниҳоят, гиёҳванд модда истеъмолчига етиб келади. У катта пул эвазига бу заҳарни сотиб олади. Банги пулни қаердан топади? Қаллоблик, ўғрилик, қароқчилик, босқинчилик орқали, албатта. Демак, гиёҳванд модда етиштирилаётган жойдан бошлаб истеъмолчига етиб келгунига қадар босиб ўтган йўл тургان-битгани жиноятдан иборат. Энг мудҳиш фожиа эса истеъмолчи чекига тушади. Одамларни ақлдан оздириш, наслни майиб-мажруҳ қилиш, миллат саломатлигига путур етказиш... Булар ҳаммаси гиёҳвандлик келтирадиган кулфатлар.

Энди савол туғилади: гиёҳванд моддаларни сотганлар, тарқатганлар бойиб, азобини истеъмолчилар тортаркан-да? Йўқ, ҳар икки томон жабрланади. Гиёҳванд моддаларни ноқонуний етиштирган, тарқатган, сотган шахсларга нисбатан қонунчилигимизда қаттиқ жазолар белгиланган. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 272-моддасида шундай дейилган: «...Кўпроқ миқдорда қонунга хилоф равишда ўтказиш

— мол-мулки мусодара қилиниб, 10 йилдан 20 йилгача озодликдан маҳрум қилиш ёки ўлим жазоси билан жазоланади».

Гиёҳванд моддалар сотиш орқали бойлик топишга аҳд қилган ҳар бир киши билиб қўйсинки, шу хаёлга борган кундан бошлаб у ўз оиласига, фарзандларига хиёнат, ўз жонига қасд йўлига ўтган бўлади. Кўза ҳар куни эмас, кунида синади, деган доно нақл бор. Сингач, уни қайта тиклаб бўлмайди. Тавба-тазарру, пушаймонлар, кўз ёшлар кейин бефойда. Айрим мисолларни келтирайлик.

1965 йилда туғилган Тўра Қўшоқов Сурхондарё вилоятида масъул лавозимда ишлаб, оиласи, 2 фарзанди тақдирини ўйлаб, ўзига муносиб иш топиб ҳалол яшаш ўрнига эгри йўлни танлайди. Илгариги нуфузли хизмат жойидан олган гувоҳномасини «йўқотганман» деган баҳона билан топширмайди. Ана шу ҳужжат ёрдамида қабиҳ режаларини амалга оширишга киришади. Турли жойлардан, турли йўллар билан гиёҳванд моддаларни топиб, ўзининг енгил машинасида Тошкентга қатнай бошлайди. Бу ерда «Ўзбекистон» фирмасида чиланғарлик қилаётган, муқаддам судланган Фарид Бойбеков, 2-таксопаркда ҳайдовчи бўлиб ишлаётган Равиль Хусаинов, «Электростройтрест» ишчиси Степан Попов билан тил бириктириб, гиёҳванд моддалар сотиш билан шуғулланади. Улар навбатдаги «мол»ни сотиш учун Қўшоқов машинасида «Самарқанд» кафеси олдига келишади. Текширув пайтида милиция қўлига тушишади. Машинадан 358 гр. наша, 446 гр. қорадори чиқади. Қўшоқов чўнтагидан эса ўзи истеъмол қилиш учун сақланган 16,7 гр. қорадори топилади.

Яккасарой туман халқ суди бу жиноий ишни кўраётганида судланувчилар виждон, диёнат, раҳм-шафқатни эслаб қолишди. Қўшоқов 3 нафар ёш боласи, кекса онаси борлигини ҳисобга олишларини сўради. Бойбеков эса ота-онаси бетоблиги, оилада 8 нафар фарзанди борлиги, энг тўнғичи ўзи эканлигини суд инобатга олишини илтимос қилди. Ҳусаинов ҳам ота-онаси кексалиги, ўзининг балоғатга етмаган фарзанди борлигини қайта-қайта эслатди.

Ўз-ўзидан савол туғилади: жиноят ҳаётларини ҳам хазон бўлишини ўйлашмади. Начора, жиноят жазосиз қолмайди. Қилмишқидирмиш. Халқ суди Т. Қўшоқовни 10, Ф. Бойбековни 9, Р. Ҳусаиновни 8 (мол-мулки мусодара қилиниб), С. Поповни 3 йилга озодликдан маҳрум этди.

Энди ўйлаб кўрайлик. Уларнинг ҳар бири ҳалол ишлаб, ҳалол яшаб ўз оилалари бағрида бўлишлари мумкин эди-ку. Ҳозир улар қилган жиноятлари учун минг пушаймон бўлаётганлари аниқ. Афсуски, бу ҳақда олдинроқ ўйлаш керак эди.

Яқинда туман халқ суди яна бир ишни кўриб чиқди. Эр-хотин Э. Йўлдошев ва З. Эшмуродовалар шунчалик тубанликка боришадики, иккиси бир бўлиб қорадори сотиш билан шуғуллана бошлашади. Эри хотинини ёки хотини эрини бу эгри йўлдан қайтариш ўрнига ўз «ҳунар»ларидан мамнун бўлиб, нафслари ҳақалак отиб кетади. Кўп ўтмай қўлга тушишди. Уларнинг ҳар бири 7 йилдан озодликдан маҳрум қилинди. Гиёҳванд моддаларни сотиш билан аёллар, болалар ҳам шуғулланаётгани айниқса, ачинарли.

Кейинги икки йилда кўп жойларда жиноятчилик сезиларли даражада камайди. Бизнинг туманда ҳам. Тошкент шаҳар прокуратураси жиноятчиликни олдини олиш, гиёҳвандликка қарши курашда муросасиз бўлиш, жиноят кўчасига кираётганларида улар нега ўз оилалари, ота-оналари, фарзандларини ўйлашмади? Ота-она зор қақшаб қолиши, болалари тирик етим бўлишини хаёлларига келтиришмади. Ўзларининг ҳаётлари ҳам хазон бўлиб, гиёҳвандликка қарши кураш ва моатчилик билан биргаликда ҳаракат қилиш зарурлигини қаттиқ талаб этмоқда. Дарҳақиқат, туман ҳокимияти, ички ишлар бўлими, маҳалла қўмиталари, соғлиқни сақлаш бўлими билан ҳамкорликда фаолият кўрсатаётганимиз ўз самарасини бермоқда. Биз бу борадаги ишларимизни янада кучайтириш чора-тадбирларини кўряпмиз. Менимча, ҳар бир ота-она, мактабларнинг ўқитувчилари, соғлом авлод тарбиясига масъул бўлган ҳар бир киши гиёҳвандлик вабосига лоқайд қарамаслиги лозим. Шу ўринда аччиқ бир ҳақиқатни айтиш лозим. Айрим ёши катта кишилар қўшнисининг ўғли гиёҳвандлик қилаётганини билади, кўради. Лекин «менга нима», деб кетаверади. Эртага бу касаллик ўзининг фарзандига ҳам юқиши мумкинлигини ўйламайди. Ҳатто айрим ўқитувчилар ўз ўқувчилари бу оғуни истеъмол қилаётганлигини сезиб, билиб қолишса ҳам чора кўришмайди.

Ноқонуний йўл билан гиёҳванд моддалар етиштирилаётган қишлоқ жойларидаги айрим ички ишлар бўлимлари, хўжаликлар раҳбарлари, оқсоқоллар, зиёлилар бу заҳри қотил халқимизга, иқтисодиётимизга, мамлакатимизга катта зиён етказаётганлигини тўла англаб етишмаётганга ўхшайди. Қарор чиқариш, жазони кучайтириш йўли билангина муаммони бартараф этиб бўлмайди. Энг аввало, бу билан келтириладиган кулфатларни одамларга тушунтирмоқ зарур. Менимча, гиёҳвандлик сабабли майиб-мажруҳ бўлганлар, оиласидан ажралганлар ҳақида мутахассислар чиқишлари уюштирилса мақсадга мувофиқ бўларди. Одамлар, айниқса ёшлар гиёҳвандлик қанчалаб бахтсизлик, фожиа келтиришини тушуниб етганларидагина кўзланган мақсадга эришиш, гиёҳвандлик илдизини қуритиш мумкин.

Раимжон РЎЗИЕВ,
Тошкент шаҳар Яккасарой тумани прокурори.

***ТАҲРИРИЯТДАН:** Назаримизда ушбу мақолада кўпчиликни ташвишга солаётган долзарб муаммо кўтарилган. Гиёҳвандлик, муаллиф таъкидлаганидек, оддий жиноят эмас, балки миллат саломатлигига катта зиён етказаётган хавфли жиноят. Мамлакатимиз, миллатимиз тақдири ҳақида ўйлайдиган ҳар бир киши бунга бефарқ қарай олмайди, албатта.*

Гиёҳвандликни таг-томири билан қуритиш учун нима қилиш керак? Мутахассислар, ҳуқуқ-тартибот идоралари вакиллари, халқ таълими, тиббиёт ходимлари бу масала бўйича ўз фикр-мулоҳазалари, таклифларини билдиришади деган умиддамиз.

Мулоҳаза

ЛОҚАЙДЛИК НИМА?

1

Шиддаткор давр одими ёш, мустақил Узбекистонимиз жуссасини пишитмоқда, улғайтирмоқда. Бугунги кунда ҳар бир фуқаро онгида юртимиз келажагини буюк давлат тимсолида тасаввур қилиш иштиёқи бор. Бу ишончни мамлакатимизда бирин-кетин қурилиши якунланаётган улкан иншоотлар, қўшма корхоналару ҳатто оддийгина косибчилик дуконида ишлаб чиқарилаётган товарлар мустаҳкамлаётир десак, муболаға бўлмас. Одам боласи кечаги мушкулликларни бугунги яхши кунларни кўриб тез унутар экан. Бундан 3-4 йил олдин дуконларимиз пештахталари бумбўш бўлгани, электр лампочкаси, мих, бўёқ, гугурт, палос ва гилам сингари оддийгина буюмлар ҳам собиқ Иттифоқ даврида четдан келтирилгани сабабли истеъмолда тақчиллик рўй бергани — уларга зориққанимизни деярли эсдан чиқардик. Уша йиллар ибораси билан айтганда «очеред»да турган турнақатор, ранглари сарғайган кишилар тўдасини ҳам унутиб, бугун харидорларни дуконларида хуш тавозе билан кутиб олаётган сотувчиларга урганиб бормоқдамиз.

Туриб-туриб уйлайсан, киши. Ана шу қийинчиликларни курганимиз ҳам зое кетмабди. Негаки, кўзимиз очилди, у бизни ўзлигимизни танишга, ислоҳ қилишга, яратувчиликка чорлади. «Узингда йўқ — оламда йўқ» мақоли нақадар аччиқ ҳақиқат эканини, кишининг фақат ўз меҳнати, яратувчилиги, халқ истеъмоли молларини кўпроқ ишлаб чиқариши, элга етказиши юрт фаровонлигининг асосий омилларидан бири эканлигини ҳам ургатди. Одамларимиз уйлашга, ихтиро қилишга, яратувчилик билан шуғулланишга киришдилар. Олдин «кир ювиш порошоги учун 64 хил кимёвий модда зарур экан», «қандни ишлаб чиқариш технологияси мураккаб, қарийб давлат сири бўлиб, унга Узбекистонда ишлаб чиқариш мушкул экан», «қоғоз ишлаб чиқариш учун ҳозир Узбекистонда хом ашё йўқ», «гугурт учун чўп йўқ» ва бошқа шу каби минг хил баҳона-сабаб бу маҳсулотларни юртимизда ишлаб чиқаришга монелик қилган, бизни кўринмас иплар билан СССР аталмиш кундага боғлаб қўйган, яратувчанликдан чалғитиб, лоқайд бандаларга айлантирган эди. Бугун мустақиллик шамоли, Ватан барчамизникиси, унинг тақдири ҳам барчамизнинг қўлимизда деган эзгу туйғу бу тусқларни енгиб, юртимиз аҳлини бунёдкорлик ишларига даъват этмоқда.

Шахсий мулк, бозор шароитига асосланган янги жамиятнинг сир-синоатини урганиш баробарида олдин Узбекистонда бўлмаган йирик ва кичик корхоналар бунёд этилмоқда, халқ хўжалиги учун зарур ашёлар ўзимизда чиқмоқда. Илгари пахта, пилла, мол териси, ҳўл ва қуруқ мевалар, полиз экинлари ва сабзавот хом ашё ҳолида республикадан арзон-гаровга олиб кетилган бўлса, энди юрт ишбилармонлари бу бойликдан тайёр мол-товар маҳсулоти ишлаб чиқаришни йўлга қўйиб, жаҳон бозоридан ўзларига муносиб урин изламоқдалар.

Бироқ тараққиёт сари бораётган юртимизнинг бугунги мураккаб, тўсиқли йўлидаги карвонини ҳамма ҳам бир хил тортмоқдами, ҳамма ҳам унинг нурли келажагига ишонч билан қараб, бу ишга ўз ҳиссасини қўшмоқдами?

Инсон ўз тажрибасида ҳар бир ишнинг якунини кўриб хулоса қилишга одатланган. Адашишдан қўрқади у. Бироқ кўпинча айримлар бир жиҳатга эътибор беришмайди, у ҳам бўлса, ана шу якуний хулосани яратиш ҳар бир фуқаронинг ўзига ҳам боғлиқ эканлигидир. Бир тоифа кишилар борки, бу хулоса-якунни улар учун бошқалар яратишини, кейингина унга шерик бўлишни қонуний деб ҳисоблайдилар. Шунинг учун ўша умумий якунга етгунга қадар бўлган вақт, жараёнга улар бепарво қарайди. Бу жараённинг юксалиши ёки инқирозга учраши, бой чўзиши ёки емирилишининг улар учун фарқи йўқ. Хуллас, бу тоифа кишилар ўз юлдузлари порлашини ЛОҚАЙДЛИК билан қутадилар. Шунинг учун бўлса керак, кейинги пайтда расмий доираларда ҳам, давра суҳбатлари, матбуот саҳифаларида, одамларнинг узаро фикр алмашувида ҳам ана шу лоқайд кишиларни сергакликка ундаш кўзга ташланмоқда.

Буюк Британия Бош вазири У. Черчиллдан журналистлардан бири «Жамият тараққиётининг энг асосий тўсиғини нимада деб биласиз?» деб сураганида, у: «Шу жамиятда лоқайд одамларнинг борлигида», деб жавоб берган экан. Хуш, лоқайд сўзининг маъноси нима? «Узбек тилининг изоҳли луғати»да унга шундай таъриф берилган: «ЛОҚАЙД — аҳамият, эътибор бермай, бепарволик билан, қизиқмай, бефарқ.»

Бундай қараганда, бизнинг ўзгаришларга тўлиб-тошган давримизда, янгича тафаккур, ақида ва маънавият шакллanаётган пайтда Ватан, юрт равнақига ҳамма баҳоли қудрат ҳисса қўшиши керак. Президентимиз Ислом Каримовнинг: «Ватан учун ёниб яшаш керак» деган даъватида ҳам ана шу маъно бор. Юртбошимиз 1996 йил 16 мартда Хоразм вилояти Кенгаши сессиясида сўзлаган нутқида айрим раҳбарларнинг маънавий қолоқлиги, лоқайдлигини алоҳида таъкидлаб, шундай деган эди: «Хонқа тумани ҳокимлиги биносининг олдида жойлашган кутубхонада ҳамон КПССнинг турли съездлари материаллари, ўз аҳамиятини аллақачон йўқотиб бўлган сиёсат ва иқтисодиёт масалаларига доир адабиётлар авайлаб сақланмоқда. Шовот туманининг баъзи жойларида собиқ КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоларининг портретлари ҳамон кўз-кўз қилиниб қўйилганини, бу ердаги стадион ҳалигача Ленин номида эканлигини қандай тушуниш мумкин? Бу нима деган гап? Эски тузумни қўмсашми ёки лоқайдликми? Бу ўтмишни соғинишми, уни ташвиқ қилишми ёки янгиликни онгли равишда инкор этишми?»

Эътибор берайлик, Президент лоқайдликни «ўтмишни соғиниш», «эски тузумни қўмсаш», «янгиликни онгли равишда инкор қилиш» тушунчалари билан бир қаторда қўйиб баҳоламоқда. Шундай экан, бу лоқайдлик ҳаётимизнинг қайси жиҳатларида кўринмоқда, биз қаерда бу иллатга урин бермоқдамиз? Ҳамиша ҳам уни онгу вужудимиздан сингдиришга ҳаракат қилмоқдамизми?

Дарҳақиқат, беш йилга яқин вақтдан бери мустақилликка эришиб, коммунистик қараш ва ғоялардан халос бўлиб, халқимиз ўз истиқбол ва маънавиятини яратаётган бир пайтда, элга, юртга раҳбарман деган кишилар пешоналари тўғрисида турган ёзувни кўрмасликлари, аллақачон ғоявий эскирган адабиётни авайлашларини ўтакетган боқибеғамлик ва лоқайдликдан ўзга нима деб баҳолаш мумкин? Айниқса, ҳозир Россия Думасидаги айрим партияларнинг собиқ Иттифоқни тиклашга бўлган иштаҳалари, сиёсий сафсатабозликлари авж олган пайтда Ватан мустаҳкамлиги, унинг мустақил ва бутунлиги, келажаги учун янада қайғуриш, томошабин бўлиб эмас, кўксини қалқон қилиб ҳимоя этувчи сифатида майдонга чиқиш юртимизнинг ҳар бир фуқароси учун муқаддас бурч эмасми?

Ҳаёт гиллираги олга бориб, мустақиллик иморати тобора бой чўзмоқда. Одамларимиз онгида мулкка эгалик қилиш ҳисси, бу

2

Ватан барча зарралари билан меники, деган ғоя ҳукмронлик қилмоқда. Агар собиқ Иттифоқ пайтида кучаларимизда ҳисобсиз бузилган, синдирилиб, ичак-чавоғи чиқарилган телефон аппаратлари, автобус, троллейбус ўриндиқларини пичоқ билан кесиб ташлангани оддий ҳол сифатида қаралган бўлса, Узбекистон том маънода Ватан бўлганидан сўнг кишиларимизда буюмга ҳақиқий эгалик ҳисси туғилиб, уни асрашга ҳаракат қилинмоқда. Бу, албатта, кишини қувонтиради.

Бироқ, ривожланган давлатлар кучалари, хиёбонларидагидек озода, покиза ва кўзни қувонтирадиган кўчаларни биз ҳам юртимизда кўришни орзу қилар эканмиз, ҳали анчагина иш қилишимиз, лоқайдликка ўт очишимизга тўғри келади, чоғи. Масалан, Тошкент шаҳри кўчаларини олиб қурайлик. Айрим кўп қаватли иморатларнинг даҳлизлари, ён-атрофига ´қараб бўлмайди. Иморатнинг зина ва йўлакларида ахлат, чиқиндилар уюлиб ётганини кўрамиз. Баъзан бу уйда яшайдиганлар табиати ифлослик билан муросасозмикан, деган хаёлга ҳам бориб қоласан, киши. Йўқ, уларнинг уйларига кирсангиз кўпи саришта-саранжом, қўша-қўша гиламлар, қандиллар билан шинам қилиб безатилган. Бироқ, хонадон эшигидан ташқариги саҳн ва майдон шу манзилда яшовчиларнинг бирбирига сансалор қилиши, лоқайдлиги туфайли ифлосланиб шаҳримиз ҳуснига доғ бўлиб қолмоқда. Ваҳоланки, лоақал бир-икки киши ташаббус қилиб супурса, тозаласа ёки ҳашар уюштириб турса, зора уша бефарқ, лоқайдларга таъсир қилармиди, уялармиди, деган фикр ўтади хаёлдан.

Шуни таъкидлаш керакки, ҳозирги пайтда Узбекистонда юксак илм-зиё салоҳияти мавжуд. Олимларимиз ҳозирги мураккаб иқтисодий қийинчиликларга қарамасдан фидойилик билан илм чўққиларини забт этмоқдалар, мамлакатимиз иқтисоди, фанини юксалтиришга муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Усимликлар кимёси, атом физикаси, қуёш гелиофизикаси, геология, эксперименталь биология, энергетика ва автоматика, шарқшунослик, кимё ва бошқа соҳалардаги ютуқларимиз дунё илми билан бемалол беллаша олади. Бироқ, бу фан соҳаларидаги кашфиёт ва ихтиролар кўпинча арзимас баҳоналар, турачилик, аниқроғи ўтакетган лоқайдлик туфайли маънавий эскириб, натижасиз қолмоқда. Бунда кўпинча маблағ йўқлиги, ҳали бу ишнинг вақти эмаслиги баҳона қилинади.

Узбекистон Республикасида ана шу камчиликка барҳам бериш, имкони борича илмни халқ манфаати ва Ватан истиқболи учун йўналтириш мақсадида Республика фан ва техника давлат қўмитаси тузилган. Албатта, мазкур қўмита ўз имконияти доирасида вазифасини бажармоқда, бироқ республикадаги ҳамма ихтиро ва янгиликларга аниқ эътибор қаратилмоқда деб бўлмайди. Масалан, бундан 14 йил олдин собиқ Иттифоқ даврида УзФА Энергетика ва автоматика илмий-тадқиқот институтидаги бир гуруҳ олимлар диққатини ўруғлик чигит, донни юқори кучланишли электр магнит майдонидан ўтказиб, кейин экиш катта ижобий натижа бериши масаласи ўзига тортди. Ташаббускор ва фидойи олимлар тажрибани амалга ошириш учун махсус дастгоҳ яратдилар. Бу дастгоҳ Тошкент вилояти Чиноз тумани пахта тозалаш заводида синовдан ўтказилди ва ери, суви, иқлими, тупроқ хусусияти бир хил бўлган, ёнма-ён жойлашган бир хил ҳажмдаги ерларга дастгоҳдан ўтказилган чигит ва нави бир хил оддий ўруғлик чигит экиб кўрилди. Электр майдонидан ўтказилган чигит 12-15 кун олдин пишиб етилиши, ўруғлик чигитнинг 98,9 фоизи униб чиқиши, ҳар бир кўсакдаги пахта 10-14 фоиз оғир бўлиши, умумий ҳисобда ҳар гектар ердан 3-5 центнердан ҳосил ошиши кузатилган. Бу тажриба 1988 йилгача 3000 гектар ерга 180 тонна ўруғликни экиш билан давом эттирилди. Натижа янада ижобий бўлди. Хуллас, дастгоҳ борган сари мукаммаллаштирилди. У нафақат ўруғлик чигит, балки дон маҳсулотларида ҳам синаб кўрилди. Тажрибага бир гуруҳ олимлар диққати жалб қилинди, республикамиздаги об-ҳавоси, тупроқ таркиби ҳар хил худудларда тажриба давом эттирилди. Олимларга Тошкент вилояти Урта Чирчиқ туманидаги Ким Пен Хва номли халқ корпорацияси (раиси Т. Мадиёров), Тошкент вилояти Зангиота тумани «Туркистон» деҳқон-фермер хўжалиги (раиси Ҳ. Йўлчиев), ҳозирги Чирақчи тумани ҳокими, уша пайтда Қашқадарё вилояти ҳокимининг биринчи муовини Т. Каримов ва бошқалар ҳамкорлик қиладилар.

Мазкур тажриба натижалари бағоят юксак бўлди. Фақат пахта эмас, буғдой ҳосилдорлигини оширишда ҳам мисли кўрилмаган натижа қўлга киритилди. Масалан, Ким Пен Хва номли хўжаликда мамлакатимиз галла мустақиллигига эришишга астойдил киришган 1995 йили — «Интенсив» буғдой навидан 44,1 центнер ҳосил олинган, бу одатдагидан 12,1 центнер кўпдир. Бу усул қўлланганда, бошоқлар бир текисда униб чиқиши, поясининг баққувватлиги ва шамолда ётиб қолмаслиги, қора куя, занг каби турли касалликларга чалинмаслиги, хуллас яна 8-10га яқин ижобий жиҳатлари деҳқонларга мутахассис олимлар ҳужжатида расмий қайд қилинган.

Муаллифлар қишлоқ хўжалиги раҳбари ва давлат бошлиқлари диққатини қаратиш учун радио, телевидение орқали эшиттириш ва кўрсатувлар уюштиришди, вақтли матбуотда мақолалар эълон қилишди. Институт олимларининг бу ихтироси натижаси ҳақида Узбекистон Қишлоқ хўжалиги фанлари академияси, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, академиклар О. Жалилов, П. Ҳабибуллаев, Қашқадарё вилояти ҳокимлиги, тажриба ўтказилган Тошкент вилоятининг туман раҳбарлари хабардор этилган, бир неча марта муътабар илмий даргоҳларда маърузалар қилинган. Иш ҳамма жойда маъқулланган, зарурлиги таъкидланган, аммо уни ҳаётга кенг тадбиқ қилишга ҳалигача ҳеч ким қўл урмаган. Ҳайрон қоласан, киши. Ахир бу ихтиро жуда катта маблағ талаб қилмаса, нафақат лаборатория шароитидаги, балки 14-15 йилдан бери даладаги натижалар расмий ҳужжатлаштирилган бўлса, уни амалга оширмасликдан мақсад нима? Мамлакатимизга пахта ва дон маҳсулотлари шунчалик зарур бўлиб турган пайтда бу муносабатни лоқайдликнинг чўққиси деса ҳам бўлади. Биз фақат ўзимизга маълум бўлган, тажрибасининг бошидан охиригача кузатган бир мисолни келтирдик. Бизнингча, «бу ҳали ҳолва, бизнинг дардимизни эшит» дейдиган ихтирочиларимиз, олимларимиз, кашфиёт даражасига етган изланиш муаллифлари борлигига имонимиз комил.

Узбекистон Республикаси Президенти Девонига республикамиз ва унинг ташқарисида яшаётган аҳолидан кўпгина мактублар келмоқда. Уларда Президентимиз олиб бораётган сиёсатни маъқуллаш, қўллаш билан бирга жамиятимизда мавжуд камчилик ва иллатларни йўқотиш, одамларимиз, айниқса жойлардаги раҳбарларнинг боқибеғамлиги, ўз ишига совуққонлик билан қараши, аниқроғи лоқайдлигига барҳам бериш, юртга эгалик ҳисси билан қараш вақти аллақачон етганлигини уқдирадиларки, бу қувонарли ҳолдир. Биз ана шу мактублардан бирини — атайин Узбекистон бу мактуб муаллифи учун қўшни давлат бўлишига қарамасдан унда содир бўлаётган воқеаларга бефарқ қарамагани, куюкчанлик билан ёзгани сабабли уни мисол қилиб олдик.

Қозоғистон Республикаси Чимкент вилояти Туркистон тумани Урганчай қишлоғида яшовчи Маккамбой Ташакаев Узбекистон

Президентига мурожаат қилиб, бугунги долзарб ва муаммоли масалаларга бўлган қарашларини баён этган. Албатта, мактуб муаллифининг ҳамма фикрларига қўшилиб бўлмас, аммо унинг атрофимиздаги бўлаётган воқеа-ҳодисаларга лоқайд қолмаганлиги, қўшни давлат фуқароси бўлса ҳам Узбекистон моддий ва маънавий бойликларини тежаб-тергаб сарфлаш, авайлаб-асраш, ёш авлод маънавияти учун қайғуриши бу инсонга нисбатан киши меҳрини оширади. У «газ, кўмир ва электр энергияси оғир меҳнат эвазига бунёд этилишини назарга олиб, ундан тежаб-тергаб фойдаланишни Сиз жаноб Президентлар (мактубнинг бошқа нусхаси Қозоғистон Президенти Н. Назарбоевга ҳам юборилган бўлса керак) муҳокама қилишларингизни таклиф этаман», дейди. Бу ишни амалга ошириш учун мамлакатдаги барча таълим муассасаларида дарсларни ҳар йили 1 мартдан 25 ноябргача ўтказиш, шу билан ёқилгининг қишки сарфидан анчагина тежаш, шаҳарлардаги зарур бўлмаган электр чироқлари (дукон, истироҳат боғи ва хиёбонлар, кўчалар ва дуконлардаги) ни кеч соат 24.00 дан кейин ўчириб қўйиш» ва бошқа хайрли таклифларни киритар экан, бу унинг жонкуярлиги, кўнглида жамият мулкига эгалик қилиш ҳисси борлигидан далолат беради. М. Ташакаевнинг «мен ҳам бир умр ўзимга нафи йўқ бўлишига қарамай кўпнинг ғамини ейлаб... жамоатчилигимиз фикрларимни қисман бўлса-да, тасдиқласа керак деган умиддаман», дер экан, Узбекистон Республикаси Президенти Девони номидан унга юборилган миннатдорлик мактуби ва унинг хатини бу ерда мисол келтиришимиз у кишига бўлган ҳурматимиз нишонасидир.

Лоқайдликнинг даражаси, катта-кичиги йўқ. Масалан, азалдан халқимиз сувни қадрлаб келган, шу боис «Сув—ҳаёт» дейди. Даштга сув келтирган Фарҳод улуғ Алишер Навоийнинг суюкли қаҳрамонига айланган. Атрофимизга қарар эканмиз, сув танқислигидан қийналган шаҳар, қишлоқларимиз йўқ эмаслигини кўрамиз. Сув одамийлик, меҳр-оқибат рамзи бўлибгина қолмасдан, сиёсат масаласига ҳам айланиб бормоқда. Яқиндагина Бишкекда Марказий Осиёдаги уч давлат раҳбарлари: И. Каримов, Н. Назарбоев, А. Акаев минтақадаги сув заҳираларидан ҳамкорликда фойдаланиш ҳақида шартнома имзоладиларки, бу фикримиз исботидир. Бу борада Хоразм вилоятининг Қўшкўпир тумани ҳокими О. Ражабовнинг биз билан бўлган суҳбат чоғида келтирган мисоли ҳам диққатга молик. Мазкур туман Хоразмнинг Туркманистон Республикаси билан чегарадош ҳудудида жойлашгани учун суғориш тизимлари ҳар иккала давлатга бир хил хизмат қилади. Бу ерда кейинги 3-4 йилда сув муаммоси бўйича миллатлараро бирон масала тўғилмаганлигига ҳурсанд бўлдик. Бунинг барчасига миллатларнинг тотув, ҳамжиҳат яшаши сабаб. «Ўтган хўжалик йилида, дейди ҳоким, 250 гектарга яқин ердаги шолимиз сув тақчиллигидан қуриб қолди. Биз бу ерларни қўшни Турманистон ерларига биздан оқиб ўтаётган сувдан суғоришимиз мумкин эди, аммо сув деб ён қўшни-жон қўшнилар ораси совиб қолмаслиги учун бу ишни қилмадик».

Бу одамийлик, муросага интилишгина эмас, балки қўшни давлатга бўлган дўстлик, ҳамжиҳатлик, қолаверса улар тақдирига лоқайд қарамаслик белгиси ҳамдир.

Хоразм вилоятидаги ана шу сув муаммосига Президент И. Каримов алоҳида эътибор бериб, дастлабки галда аҳолини сув билан таъминлашни бош мақсад қилиб қўйган. Айниқса, Хоразм вилояти, Қорақалпоғистон Республикасини сув билан таъминлаш долзарб муаммолигини алоҳида таъкидлаган. Шу боис, Президентимизнинг Хоразм вилояти Кенгаши депутатлари билан учрашувида сўзлаган нутқида бу масала яна бир марта жиддий кўтарилди: «...Айниқса ичимлик сувнинг ҳар томчиси бу ерда жуда қиммат. Туямўйин—Урганч сув қувурлари қурилишининг иккинчи навбатини тезроқ тугатиш керак. Одамларнинг эҳтиёжини, соғлиғини ҳимоялаш мақсадида Хоразмда шиша идишда ичимлик сув чиқарадиган завод қуриш қўлимиздан келмайдими? 3-4 миллион доллар топиб Америкадан ёки Европадан энг замонавий технологияга асосланган завод олиб келишни ҳукумат зиммасига юклаш керак».

Мамлакат Президенти халқ фаровонлиги ва соғлиғи учун шунчалик жон куйдирмоқда, ислоҳ йўлини қидирмоқда. Бироқ, ҳамон шу Хоразм вилоятининг шаҳар, қишлоқларида ичимлик сувини тежаш борасида хотиржамлик сезилмоқда. Камина яқинда Урганч шаҳрида булиб, сув қувурларининг кўпида унинг бузилганлиги ёки мурватининг йўқлиги, айримларининг эса умуман беркитишга эринилганидан сув оқиб ётганлигини кўриб, юртбошимизнинг юқоридаги — кечагина билдирган фикри, жон куйдирганига лоқайд қаралганини кўриб жуда ачиндим. Ахир, бу сувни тўхтатиш учун кўп маблағ, ишчи кучи керак эмас-ку! Фақат сувнинг бойлик эканлиги, у бизнинг қимматли мулкимизлигини англаш ҳиссини ўзимизда уйғотишимиз, бунга лоқайд қарамаслигимиз керак, холос. Бу ҳол фақат Хоразм вилоятига хос эмас. Андижон, Наманган вилоятида ҳам бундай ҳолни кузатиш мумкин. Фикримизни тасдиқлаш учун «Ишонч» газетасининг 1996 йил 5 апрель сонидаги журналист О. Жўманазаровнинг «Сув қадри» мақоласидан парча келтирамиз:

«— Тўғри, кўчаларга темир қувур ўрнатиб жўмраклар қўймаганмиз, — дейди шу мавзудаги муаммоларни тилга олганимизда туман ҳокими (Балиқчи тумани — Ҳ.Қ)нинг ўринбосари Абдурашид Мажидов, — водопровод тармоқларини шаҳар усулида хонадонларга кириттганмиз. Бўлса бордир, аммо туман раҳбарларининг шаҳар бозорлари, мева ва сабзавот расталари олдида тоза, сувли жўмраклар борми-йўқлиги эътиборини тортмаганлигига ачиндим».

Ҳозирги пайтда Халқ таълими вазирлиги томонидан «Сув-ҳаёт» мавзуида алоҳида таълим дастури тузилиб, болалар боғчалари, мактаб, урта махсус ва олий ўқув юртларида таълим берилмоқда. Бу ташаббусни кенг ейиш лозим кўринади.

Узбекистонимиз мустақил бўлганидан бери барчамизнинг руҳиятимизда янгича бирдамлик, маънавиятнинг янгича қирралари намоён бўлмоқда. Бироқ ҳали ҳам бўлса орамизда гоҳ очиқ, гоҳида зимдан собиқ Иттифоқни, унинг «қорин» рамзи бўлган арзон нон ва колбасасини меъёр этиб олиб, бугунги ҳурлик, озодлик, мустақиллик қадрига етмаётганлар учраб туради. Президент И. Каримов ўзининг чет эл журналистлари ва дипломатик корпус вакиллари билан бўлган учрашувида, ЎзА мухбири билан бўлган савол-жавоблари ва бошқа маърузаларида Узбекистоннинг ўз тараққиёт йўли борлиги, Мустақиллик, Ватан, Эрк тушунчалари қалбимизнинг доимий маънавий бойлиги эканлиги борасида кенг ва батафсил тўхталган. Халқимиз барча жойларда ўз юртбошисининг бу фикрини тўла қувватлаб келмоқда. Бир мисол келтирайлик. Кўнги кеча Косонсой туманида муборак Ҳаж сафарини адо этиб қайтган Бурҳонҳўжа ҳожи билан суҳбатлашганимизда отахон Саудия Арабистони ҳукумати, халқи Узбекистоннинг мустақилликка астойдил садоқати, собиқдам сиёсатини маъқуллаб, узбекистонлик ҳожиларга кўп эҳтиром, ҳурмат кўрсатганини айтдилар.

Олмалиқ кон-металлургия комбинати бош директори В. Ситединнинг Президент И. Каримовга юборган телеграммасида шундай дейилади: «Биз барқарорлик, тинчлик ва демократия йўлини ўз олдига собит қўйган янги давлатда яшаяпмиз. Тўрт йиллик мустақиллик Узбекистон Республикаси тўғри йўлдан қадам ташлаётганини кўрсатиб турибди. Биз бу йўлдан ҳеч қачон ортга қайтмаймиз».

Ҳаётимиз асли лаҳзалар, кичик воқеалар ва бир-биримиз билан фикр алмашиш жараёнида кечади. Шу боис, унинг ҳар лаҳзаси умр мазмуни, мақсади ҳамдир. Юртимизга отилган ҳар бир катта ёки кичик тош уни бўҳтон ва найрангдан асраш, покиза, соф ҳолида эҳтиёт қилишга ундайди. Юртни ҳимоялаш, қадрлаш ҳар бир фуқаронинг муқаддас бурчи! Бунинг учун атрофи-

3

миздаги иллатларни кўриб-кўрмаслик, сезиб сезмаслик «менга тегмаса бўлгани» қабилида лоқайдларча муносабатда бўлишдан ҳазар қилиш пайти етди.

Шу қатори, фуқароларимизнинг матбуот орқали лоқайд шахсларга нисбатан ғиж-биллиқликларига тез-тез гувоҳ бўлмоқдамиз. Бир-икки мисол келтирсак. Илҳом Каромов ўзининг «Ғурурни ҳам пуллайдиларми?» мақоласи («Узбекистон овози», 1996, 7 май)да ёзади: «Қарши шаҳридаги «Мажид» хусусий савдо дуконига кириб, пештахталарда турфа хил ароқ терилганини кўрдик. Шу ерда кўзимиз бир нуқтага қадалиб қолди... Алланечук ҳолатни туйдик...

— «Жириновский» ароғи қанча?

— 70 сум, олинг, зўр ароқ!

— Унинг кимлигини биласизми, ўзи!

— Ҳа, нимайди?

— Уни мақтаб сотаётган вақтингизда юртингизга ола кўз билан қараётганлигини ўйламайсизми? Ёки сизга барибирми?

Бу шу синғари ҳолатларнинг бир манзараси, холос. Афсуски, кўпгина жойларда шунақа манзарани учратиш мумкин. Шу ўринда бир нарса ўйлантиради кишини! Уша сотувчи юқорида тилга олганимизни пуллаётганида ўзининг ор-номусини, миллий ғурурини ҳам қўшиб сотаётганлигини биларми?»

Мақола муаллифининг қуюнганича бор. Бу ароқ шишаси ёзувига, чизувига диққат билан қарасак, Жириновскийнинг мудҳиш шовинистик сиёсати рамзи ҳам борлигини кўрамиз ва бефарқлик шунчалик ҳам буладими, дея ачинасан, киши. Унда аввалги СССР байроғи чизилиб, ҳозирги Узбекистондек мустақилликка эришган давлатлар яна қайта «қизил» ҳудудга киритилган. В. Жириновскийнинг «Аргументы и факты» (1996, 18 апрель, 811-сон) ҳафталиги мухбирининг «Келгусида президентлик курсиси мабодо сизга насиб этса, Россия иқтисоди ва камчиликларини қайси йўл билан ҳал қиласиз?», деган саволига, у:

— Бошқа минтақалар ҳисобидан, «тюбетейка» (яъни дўппи киювчилар — собиқ Иттифоқ ҳудудида яшаган, ҳозир мустақил давлат бўлган мусулмон фуқаролари бор республикалар назарда тутилмоқда — Ҳ.Қ)лар ҳисобидан. Биз уларга ердамни тухтатиб қўямиз. Қарабсизки, Россиянинг 30 фоиз бойлиги ўзига қолади. Бу бойликни биз камбағалларга берамиз, улар бой бўлсин деб».

Россиядаги бугунги кунда содир бўлаётган моддий ва маънавий инқироз етишмовчиликни, унинг камбағалларини «бой» қилишни бу «ўткир» сиёсатдон ана шундай бемаъни равишда ҳал қилмоқчи. Иккинчидан, ҳозир ким кимдан моддий ва маънавий жиҳатдан мухтожлигини давр, замон кўрсатиб турибди. Хуллас, шу жирканч қарашлар соҳиби мальун ароқ шишаси билан уйларимизга кириб, дастурхонимизни бўлғаб, онгимизни заҳарламоқда. Бепарво, лоқайд, пулга имону Ватан, эркини алмаштиришга тайёр айрим тожирлар ўз чунтакларини уйлаб «Давр — бизнинг давримиз» деб юрибди. «Узбексавдо», республика солиқ инспекцияси, фирма раҳбарлари юртимизга олиб келинаётган ҳар бир мол-товарнинг фақат моддий томондан эмас, маънавиятимизга етказадиган зиёнларини ҳам инобатга олишлари керак. Бунга метро йўлакларида, кўчаларда сотилаётган шарм-ҳаёсиз адабиётлар: расмлар, қарийб порнографик тасвирлар ҳам кирадики, бу алоҳида баҳс мавзуси.

Ёки бошқа мисолни олайлик. Самарқанд шаҳрининг қоқ ўртасида, машҳур Регистон архитектура ансамбли тўғрисида узбек ва тожик адабиёти ривожи ва бу икки қадимдан дўст, биродар бўлган халқлар дўстлиги рамзига айланган адиб Садриддин Айнийнинг уй-музейи бор. Адиб шарафига очилган бу музей олдида унинг муъжазгина бюсти ҳам бор. Аммо, минг афсуслар бўлсинки, мана, 30 йилдан ошиқроқ вақтдан бери адабиёт мухлисларига қадрли бўлган бу даргоҳ қаровсиз ҳолда қолиб келмоқда. Уй-музей экспонатларининг кўп қисми жой бўлмаганлиги, хоналарнинг таъмир этилмагани, мувофиқ об-ҳаво шароити мутлақо йўқлиги туфайли омборхонада сақланмоқда. Тўғри, 1993 йил жамоатчиликнинг кўп саъй-ҳаракати, музей мутасаддиси Абдукарим Ғаниевнинг интилиши туфайли шаҳар ҳокимияти ва ишбилармонлар кумаги билан бир оз маблағ ажратилди ва бу пул мавжуд тўрт хонани таъмирлашга етди, холос. Самарқанд буюк соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига астойдил тайёргарлик кўрмоқда, кўпгина бинолар, архитектура обидаларига иккинчи умр берилмоқда. Уйлаймизки, тўйга келган меҳмонлар улуғ адиб С. Айнийнинг уй-музейини ҳам зиёрат этадилар. Бунга Самарқанд шаҳрининг ҳокими А. Носиров эътибор беради, деган умиддамиз.

Бозор иқтисоди шароитига ўтаётган бир даврда турмуш ғорраҳаларида лоқайдлик аломатлари билан бирга унинг яна бир «шериги» АЛДОВ ҳам баъзан ивирсиб юрганлигини кўрамиз. Ана шу фириб ва алдовларни ҳам биз кўриб кўрмасликка, кимдир бизни алдаган бўлса бир марта алдар, кейин ҳушёр бўламиз, деб хулоса чиқаришга одатланган, «бор-э, шунга ҳам ота гури қозихонами» дейдиганлар талайгина. Айниқса, бу найранглар бозорларимизда тез-тез содир бўлиб тургани кишиларимиз ғашига тегмоқда. Ана шу икки иллатга лоқайд бўлмаслигимиз, жамиятимизни улардан холи қилиш ҳам бурчимизга киради. Шу хусусда шоирамиз Қутлибека Раҳимбоеванинг фикрини («Узбекистон овози», 1996, 22 март) келтиришни лозим кўрдик: «Бизга бу алдов (бозорларимиздаги сотувчиларимиз алдови — Ҳ.Қ) энди жуда баҳайбатлашиб кеттандай, сира унглаш мумкин эмасдек туюлади. Узимизни унинг олдида ожиз сезамиз, қўл силтаб қўяқоламиз. Лекин ана шу алдовнинг уруғини қуритмагунча, қунимиз омонат ўтаверади».

Суҳбатимизни бир лаҳзада рўй берган мисол билан якунласак. Метро вагони эшиги очилиб йўловчилар кирдилар, ўртада туриб қолганлар ҳам анчагина. Бирдан 5-6 нафар успирин йигитчалар югуриб кирдилар ва улар бир-бирларини туртишар, қичқириб ғапиришар, аҳён-аҳёнда оғизларидан уятли сўзлар чиқар эди. Ҳамма атрофдагилар уларга ёвқараш қилар, лабини бужмайтирар, бироқ бир нима дейишга ҳаракат қилмасди. Шунда 55—60 ёшга кирган зиёлинамо киши ўрнидан туриб, болалар олдига бориб, бирининг қулоғига бир нимани шипшитиб ғапирди-да, тез қайтиб жойига ўтирди. Бирдан болалар жимиб қолишди, поезд бекатга етиши билан улар ўқдай ташқарига чиқиб кетишди. Болалар йўлини давом эттирар экан, кўпчилиги эгик бош билан уялиб қадам босар эди. Мен болаларга танбеҳ берган кишидан: «Уларга нима дедингиз?» деб сурадим. У «мен ҳадемай мустақил Узбекистонни сизларга топширмоқчиман, адашмайманми?» деб айтдим деди. Бу кишининг ақл-заковати, ҳар бир лаҳзага агар у юрт, миллат келажаги, авлод манфаати учун бўлса, бефарқ, лоқайд қарамаслик хусусияти шахсан менинг учун катта ибрат бўлди. Бу жиҳат ҳурматли газетхонларимиз учун ҳам ҳаёт мазмунига айланишини чин дилдан истар эдик.

Ҳасан ҚУДРАТУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонининг бош консультанти.
(ЎзА).

4

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

КЕЧА, БУГУН, КЕЛАЖАК

ДУНЁ ЎЗГАРИШЛАРИ

• Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг раиси, Швейцария ташқи ишлар вазири Флавио Котти Албания раҳбарларини якшанба кунги бўлиб ўтган сайловларда овоз беришда йўл қўйилган камчиликлар юзасидан ихтилофларни бартараф этиш мақсадида қайта сайловлар ўтказишга чақирди.

***

• Венесуэла Олий суди мамлакатнинг собиқ Президенти Карлос Андрес Пересни давлат маблағларини ноқонуний сарфлаганликда айблаб, уни икки йилу тўрт ой муддатга озодликдан маҳрум этди.

***

• Ҳиндистоннинг Калькутта шаҳрининг 11 миллион аҳоли яшовчи тўртта туманида фавқулодда ҳолат жорий этилди. Чунки бу ерда полиция билан юз берган тўқнашувда тўрт киши ҳалок бўлиб, 30 га яқин киши ярадор бўлганди.

***

• Италиянинг собиқ ташқи ишлар вазири Антонио Гава Неаполь суди томонидан таъмагирликда айбланиб, беш йиллик қамоқ жазосига ҳукм қилинди.

***

***• 48 ёшли

Ўзбекистон — Ватаним маним

Рустам АБДУЛЛАЕВ мусиқаси

Пўлат МЎМИН шеъри

БАЙРАМУ ШОДЛИК

Қадам қўйдик келажак томон,
Энди бизга кулгандир замон.
Ўйнаб, қувнаб бораётирмиз,
Порлоқ йўлда бардам, ботирмиз.
Нақорат:
Она элда байраму шодлик,
Шодлик, тинчлик, бахт-у озодлик!
Улкан ўлка фарзандларимиз,
Гулдай кулган хурсандларимиз.
Онамиздур ҳур Ўзбекистон,
Овозамиз эшитгай жаҳон!
Нақорат:
Она элда байрам-у шодлик,
Шодлик, тинчлик бахт-у озодлик!

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан ўтказилган кўрик-танловда 1-ўрин совриндорлигида ғолиб чиқиб республика кўрик-танловига тавсия этилган.

Солист хор ва оркестр учун.



ҚАЙСИ ЧАМАНДИН ЭСИБ КЕЛДИ САБО ЁР-ЁР

Мутолаа

ёки ҳазрат Алишер Навоий даври қўшиқчилиги хусусида сўз

Биламиз, Алишер Навоий замонида маърифат ва маданият юксак чўққига кўтарилган. Санъат эса маданиятнинг муҳим таркибий қисмларидан бири ҳисобланган.

Бобокалон шоиримизнинг бой меросида санъат ва санъаткорлар ҳақида ҳам кўп қимматли фикрлар айтилган. Унинг биргина мусиқа ва қўшиқчилик санъатига муносабатини кўриб чиқиш ҳам ғоят мароқли. Бир қарашда «Мажолис ун-нафоис» тазкирасида фақат шоирлар ҳақида ҳикоя қилинган. Лекин у давр шеър аҳли ҳаётини мусиқадан айри тасаввур қилиш қийин эди. Шунинг учун бу асарда шоирларнинг мусиқа ва қўшиқчиликка алоқадорлиги хусусида қизиқарли маълумотлар келтирилади. Асарни синчиклаб кузатар эканмиз, унда ўн етти нафар ана шундай шоир ва санъаткор хусусида сўз юритилганининг гувоҳи бўлдик. Улар кимлар дейишингиз мумкин. Далилларимиз қуруқ бўлмаслиги учун оз бўлса-да, маълумот келтирамиз.

Улуғ авлиёлар тоифасидан бўлмиш Хожа Абдулвафо Хоразмий созандачилик ва мусиқа илмини катта маҳорат билан ўзлаштирган ҳатто мусиқа илмига бағишлаб бир неча рисола ҳам яратган. Мавлоно Соҳиб Балхий эса ўз ғазалларига куйлар басталаган. Унинг ижросидаги «Чоргоҳ» мақоми шунчалар машҳур бўлган эканки, ўша даврдаги йирик амалдорлардан бири Жўғи Мирзо ўз зиёфатларида фақат «Чоргоҳ»ни ижро эттирган экан. Мавлоно Қадимий ҳам халқ орасида ўзининг моҳир ноғорачилиги, такрорланмас усуллари билан донғи чиққан. Мавлоно Муҳаммад Жомий машшоқлик ҳамда мусиқа илмини яхши эгаллаган. Хожа Юсуф Бурҳон ҳам ўз ғазалларига ўзи куй басталаган. Ўн икки мақомнинг бири «Исфаҳон» куйи билан айтилган ғазали эл орасида машҳур бўлган. Олим ва шоир Мавлоно Риёзий мусиқадан яхши хабардор бўлган. Муҳаммад Али Ғарибий соз чалиш ва мусиқа илмини пухта ўзлаштирган экан. Мавлоно Солимий уд ва танбур созларини катта маҳорат билан ижро эта билган, мусиқий асарлар ҳам яратган. Ҳофиз Шарбатий, шоир Паҳлавон Муҳаммад Гуштигир созандачилик ва мусиқа илмини тўлиқ ўзлаштирган. У ўша даврдаги мусиқа назарияси хазинасига ўзи яратган бир неча нақш, савт ва амал билан ҳисса қўшган. Бу куйларга ўз ғазалларини боғлаб, ўзи ижро этган. Хожа Камолиддин Удий таҳаллусидан ҳам кўриниб турибдики, созандачиликда катта обрў-эътибор қозонган. Ҳофиз Муҳаммад Султоншоҳ хушовоз ҳофизлардан эди. Устод Қулмуҳаммад ғижжакчиликни мукаммал эгаллаган. Кейинчалик уд ва қобуз созларини чалишни ҳам тўлиқ ўрганган. Санъат борасида кўп шогирдлар тарбиялаган. Хожа Камолиддин Ҳусайн мусиқа илмини пухта ўрганиб, куйлар ва ашулалар басталаган. Хожа Абдуллоҳ Садр ҳам соз чалиш ва мусиқа илмида катта иқтидор эгаси бўлган. Мир Ҳабибиллоҳ эса мусиқа соҳасида, уд созини чалишда қобилият ва маҳорат касб этган. Темурийлардан бўлмиш Мирзо Улуғбекнинг укаси Бойсунғур Мирзо ҳам истеъдодли созанда ва яхшигина қўшиқчи эди...

Биз фақат бу шоирларнинг мусиқа ва қўшиқчиликка алоқадор жиҳатларинигина эслатиб ўтдик. Навоий уларнинг бошқа кўп соҳаларда ҳам маҳорат кўрсатганликларини қайд этади.

Яна бир ўлмас асар — «Маҳбуб ул-қулуб»да «Мутриб ва муғаннийлар ҳақида» деган махсус боб бор. Унда мутрибу муғаннийларга умумий таъриф берилиб, ўша даврда кенг қўлланган созлар жарангининг инсон қалбига таъсир кучи хусусида фикрлар билдирилади. Жумладан, най, танбур, рубоб, ғижжак, чанг, уд, қўбуз, қонун, чағона каби созларнинг ҳар биридаги ўзига хосликлар тўғрисида маълумот берилади.

Ҳазрат Навоий «Мезон ул- авзон»да анъанавий халқ қўшиқларига таъриф берар экан, улардан бир қанча мисоллар келтиради. Туркий халқларнинг тўй-ҳашамлари, турли урфий тантаналари, жумладан, қиз узатиш тўйларида айтиладиган ёр-ёр қўшиқларидан қуйидаги мисралар тилга олинади:

Қайси чамандин эсиб келди сабо, ёр-ёр,
Ким дамидин тушти ўт жоним аро ёр-ёр.

Навоийнинг ёзишича, «Туркий қўшиқлар» деб ном олган ва турли базм, зиёфат ҳамда тантаналарда ижро этилган ашулалар ҳам кенг тарқалган, улар «туркигўй» деб ҳам аталган.

Хуросон давлати, хусусан, пойтахт Ҳиротда илму маърифат, жумладан, санъатнинг бу қадар гуллаб-яшнашида Навоийнинг беқиёс хизмати бор эди. У кўплаб иқтидорли санъаткорларни ўз ҳомийлигига олиб уларни эркин, бемалол ижод қилишлари учун қулай шароитлар яратиб берган. Улуғ бобомиз чинакам маънавият ҳомийси бўлган. Шу туфайли ҳам Навоий даврида Ҳиротда атроф давлат ва вилоятлар, жумладан, Эрон, Мовароуннаҳрнинг кўп жойларидан санъаткорлар келишар, форсий ва туркий санъат ривожига ҳисса қўшар эдилар.

Яна бир нарсага эътибор беришимиз жоизки, Навоий санъатга жуда яқин бўлганлиги учун ҳам ўзига куй, оҳанг, тарона маъносидаги «наво» сўзидан олинган тахаллус танлаган. Сир эмас, ўзида ҳам мусиқий санъатга кучли лаёқат бор эди. Бунинг биргина далили шуки, «Мажолис ун-нафоис»да у ўзининг устози — Хожа Юсуф Бурҳоннинг шогирди эканини айтади.

Абдурауф Фитрат эса «Ўзбек халқ мусиқаси тарихи» асарида санъатимизда маълум ва машҳур бўлган «Қари наво» куйининг яратилиши Навоийнинг номига боғлиқлиги ҳақида фикр юритади.

Навоий таърифлаган санъаткорлардан ташқари бу даврда Абдуқодир ва Қутбиддин Нойи, қўшиқчи ва мусиқа назарияси билимдони Абдуллоҳ Лорий, қонунчи Дарвеш Аҳмад Қонуний, найчи Султон Аҳмад Девона, Шоҳ Қулий Ғижжакий Ҳирий, шунингдек, 360 дан ортиқ куйлар ижодкори Хожа Юсуф Андижонийлар ҳам ўз санъатлари билан жуда машҳур бўлганлар.

Машҳур санъаткор Устод Шодийнинг тарбиясида етишган Ғуломали Шунқор, Мир Ғўр, Али Карди Мали каби санъаткорлар ҳам машҳурликда ўз устозларидан кам бўлмаганлар. Ҳофиз ва бастакор Ахийи Ҳиравий, «Мусиқа ҳақида рисола»нинг муаллифи Нажмиддин Кавкабий Бухорий ва унинг шогирди Мавлоно Ҳасан Кавкабий, машҳур ноғорачи Саййид Аҳмад ибн Меҳтар Мироқий, дунёвий ва диний билимлар эгаси, айни пайтда қонун сози устаси Хўжайи Жаъфарий Самарқандий Қонуний, мусиқашунос Шоҳмуҳаммад Дилдуз, машҳур санъаткор Абдулқодир Мароғий ҳам най устаси, бастакор Али Жўн Нойилар ҳам ўзлари яратган бебаҳо санъатлари билан замона машҳурлари бўлдилар.

Келтирилган мисолу далиллардан кўриниб турибдики, XV аср маданияти, қўшиқчилик санъати олдинги асрларда мисли кўрилмаган тараққиёт поғонасига кўтарилган, умумшарқ халқлари тарихида олиб қараганда ҳам салмоқли мавқега эга бўлган.

Бизгача етиб келган бой мусиқий меросимизни Навоий даврисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Демак, XV аср мусиқаси ва қўшиқчилигининг бугунги санъатимизга ҳам бевосита таъсири бор.

Ҳожиакбар ҲАМИДОВ,
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими.

Бош муҳаррир Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати:
Абдулла ОРИПОВ,
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ,
Азамат ЗИЁ,
Азиз НОСИРОВ,
Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб),
Аслиддин БОЛИЕВ (бош муҳаррир ўринбосари),
Ислом ШОҒУЛОМОВ,
Норбобо ШАКАРОВ,
Одилжон ОЛИМЖОНОВ,
Салим АШУРОВ,
Хайрулла ЖЎРАЕВ,
Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 33-20-36, 36-54-35.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 33-11-49, 36-54-06.
Иқтисодиёт — 33-21-43, 36-57-22.
Фан ва маданият — 33-07-20, 36-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 33-76-04.
Ахборот ва спорт — 33-12-56, 36-55-16.
Халқаро ҳаёт — 33-47-80, 33-12-16.
Реклама ва эълонлар — 33-38-55,
факс — 33-79-14.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Андижонда — 5-27-11;
Бухорода — 3-54-87;
Гулистонда — 2-26-22;
Жиззахда — 3-31-86;
Навоийда — 3-75-43;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Самарқандда — 35-22-90;
Тошкентда — 33-12-56;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 22-36-78;
Қаршида — 3-25-79;
Қумқўрғонда — 5-26-24.

МАНЗИЛИМИЗ:

700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.

Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир Ҳ. ИКРОМОВ, навбатчи Ё. БЕКМУРОДОВА.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00120

Газета офсет усулида А—2 форматда 30414 нусхада босилди

Ҳажми 2 босма табоқ

«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

Г — 0302

Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди — 22.30.
1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

ДИККАТ ЯНГИЛИК!

Халқ банки 1996 йил 1 июндан аҳолига "Рағбат" ва "Омад" номли янги омонат турларини таклиф қилади.

"Рағбат" номли омонатга пул топшириб, Сиз ойига 4 фоиздан даромад олиш билан бирга омонат қолдиғининг 80 фоизи миқдорида имтиёзли кредит олиш ҳуқуқига эга бўласиз.

Омонатнинг энг кам миқдори 3000 сўм.

Сақланиш муддати — 6 ой.

Ютуқли омонат *"Омад"*га пулингизни топшириб, жуда катта ютуққа эга бўлиб, омадингиз чопиши ҳеч гап эмас!

Бу омонат тури *"талаб қилиб олгунча"* омонат тури каби кирим ва чиқим муомалаларини бажариш ва фоизлар қўшиб бориш билан бирга ҳар ярим йилда даромадингизни 3 мартадан 20 мартагача ошириш имкониятини беради.

Халқ банкида омадингизни синаб кўришни таклиф қиламиз!

ЭШИТМАДИМ ДЕМАНГЛАР!

Халқ банки ўзининг анъаналарига содиқ қолган ҳолда бу йил ҳам Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан 1 июнда дунёга келган барча чақалоқлар номига мақсадли болалар омонатларини очиб, 400 сўмдан суюнчи беришини маълум қилади.
Шунингдек, сафимизга қўшилган жажжи ватандошларимизнинг ота-оналари уларни Ватанимизнинг садоқатли фарзандлари қилиб тарбиялайдилар деб ишонч билдиради.

Эҳтиром

ЧЎҒЛИ ХИРМОН

Санжар ака бутун умрини пахтачиликка бағишлаб келяпти. Чигитни қандай ҳароратда ерга эккан маъқул, кўчат ривожида унга қайси препаратларни қўлласа кўпроқ наф келтиради? Кундузи тажриба даласида ўсимлик ҳолатини қоғозга туширса, кечалари уйқудан воз кечиб натижаларни бир-бирига таққослаб кўради. Куз бошида кўсак санаса, адоғида тарозига тушган ҳосилни чўтга солади.

Ўзбекнинг таниқли шоири Абдулла Орипов бир шеърида «Ўсимликка забон битса, пахта нави энг аввало ўзбекча гапирарди» деган ташбиҳ келтирган. Наздимизда, биз ҳикоя қилаётган олим Санжар Рамзиддинович ғўза билан узоқ-узоқ суҳбатлар қурган деса ишониш керак. Қарийб ярим асрлик илмий фаолиятни ғўза селекциясига бағишлаш ҳазил эмас. Умрини, тақдирини пахтачилик илми билан боғлаган заҳматкаш олимнинг хизматини деҳқон шижоати билан муқояса қилиш мумкин.

Эрта баҳорда замин бағрига чигит ташлаган деҳқон кузда яралажак хирмон бўй чўзгунча қанча қийинчиликларни бошидан кечиради, ниҳолни дўл урса кўзига ёш олади, шоналари гулласа қўшилиб баҳри дили очилади. Қанча қийин бўлмасин, йил якунида ҳосили тарозига қўйилганда чарчоғи тарқаб кетади.

Санжар ака ҳам бугун бободеҳқон каби ўз меҳнатини, илм йўлида яратган хирмонини тарозига қўйиб кўрмоқда. Буни қарангки, йиллар беҳуда кетмаган экан. Ўттиздан зиёд дарслик ва ўқув қўлланмалари ўзбек, рус ва хорижий тилларда чоп этилибди. Ўттиз уч йил муқаддам ҳимоя қилинган номзодлик, 1983 йилда муваффақият билан ёқланган докторлик диссертациялари олимнинг умр йўлларини ёритиб турибди. Эҳтимол домланинг пахта уруғчилиги ва селекциясига қўшган ҳиссасини китоб ва рисолаларда ўлчаш мумкиндир, лекин Тошкент Давлат Аграр университетида тарбиялаб вояга етказган шогирдлар сонини санаб бўлармикан?!

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалик ходими, Аграр университетнинг селекция, уруғчилик ва генетика кафедраси мудири, профессор Санжар Муҳаммадхонов нафақат агрономияга оид, айни пайтда луғатшунослик соҳасида ҳам китоблар чиқарганлигини таъкидлаш керак. У кишининг ўсимликшуносликдан ўзбекча-русча луғати, Насим Маматов билан ҳамкорликда тайёрлаган пахтачилик терминлари луғати кўп олимлар, талабалар ва мутахассисларнинг оғирини енгил қилиб келмоқда. Хуллас, фан йўлидаги хирмон чўғли эканлиги бугун кўнгилларни мунаввар этади.

Фаттоҳ АБДУРАҲИМОВ.

Спорт

ЯГОНА ПЕШҚАДАМЛИК ОРЗУСИ

• Олий лига футбол жамоалари ўртасида мамлакат чемпионатининг 8-тур ўйинлари бўлиб ўтди.

Бу сафар дарвозаларга жами 23 та тўп киритилди. Йирик ҳисоблар Тошкент ва Бухоро шаҳарларида қайд этилди. Хусусан, МҲСК футболчилари «Наврўз» жамоасини қабул қилиб, 7:1 ҳисобида ғалаба қозонишган бўлса, «Нурафшон» ўйинчилари «Косонсой» дарвозасига 5 та жавобсиз тўп киритдилар. Қолган ўйинларда қуйидаги ҳисоблар қайд этилди: «Нефтчи» — «Трактор» — 2:1, «Янгиер» — «Динамо» (С) — 1:0, «Машъал» — «Сўғдиёна» — 1:1, «Динамо» (У) — «Пахтакор» — 0:2, «Атласчи» — АСК — 0:0, «Дўстлик» — «Навбаҳор» — 0:2. Ўйиндан ўйинга жамоалар ўртасида ягона пешқадамлик учун кураш қизғин тус олмоқда. Ҳозирча «Навбаҳор» 20, МҲСК ва «Нефтчи» 19 тадан очко билан олдинда боришмоқда. Бу жамоалардан қайси бирининг ягона пешқадамлик мавқеини мустаҳкамлаб олишини вақт кўрсатади.

ЎРИНБОСАРЛАР МАВҚЕИ

• Биринчи лига футбол жамоалари ўртасидаги 13-тур ўйинларидан кейин пешқадамлар мавқеи анча яхшиланди.

«Зарафшон» футболчилари «Ҳисор» жамоасини қабул қилиб (5:0), жами очколарини 32 тага етказишди. Иккинчи ва учинчи ўринларда бораётган «Прогресс» ва «Чилонзор» жамоаларида 29 тадан очко тўпланди. «Прогресс» — «Зафар» учрашуви 4:1 ҳисобида тугаган бўлса, «Чилонзор» — «Ғазалкент» ўйинида ҳисоб очилмади.

ИКИР-ЧИКИРЛАР

Кўнгил беҳузур бўлганда қайноқ сувга нонни ивитиб, докадан сузилган сувини ичиш фойда беради.

* * *

Пашшалар елвизакдан қочади. Шунинг учун хонани тез-тез шамоллатиб туришни унутманг.

* * *

Агар пол ва дераза ромларини бироз керосин қўшилган сувда ювилса, пашшалар ўзини ташқарига уради.

* * *

Петрушка барглари майдалаб, ари чаққан жойга қўйилса, оғриғи қолади.

* * *

Чивин ва ари чаққан жойда пиёз шарбати-ю майдаланган отқулоқ барглари даво ҳисобланади.

* * *

Анжирнинг хом меваси ва барги ҳол ҳамда сўгал, юз доғларини кетказишда қўлланилади.

Шаҳрисабз трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи *"Садо"* ҳиссадорлик жамияти ўзида тайёрланган кенг ассортиментдаги эркаклар, болалар ва хотин-қизлар учун трикотаж маҳсулотларини харидорларга таклиф қилади.

Бизнинг маҳсулотларимиз бошқа турдош корхоналарда ишлаб чиқарилган трикотаж маҳсулотларига нисбатан ҳам арзон, ҳам сифатлидир. Дарвоқе, маҳсулотларимиз юз фоиз пахта толасидан тайёрланган.

Тўлов шартлари пул ўтказиш йўли, вексель ҳамда мол айирбошлаш (бартер).

Манзилимиз: Қашқадарё вилояти, Шаҳрисабз шаҳри, Беруний кўчаси, 42-уй. Тел: (код 37552) 44398, 43648.

Юртим тарихидан берур гувоҳлик.

Э. ҚОЗОҚОВ олган сурат.

«Ўзбекистон овози» таҳририяти меҳнат жамоаси газетанинг Жиззах вилояти бўйича собиқ муҳбири, ёзувчи **Нўъмон МИРЗАЕВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади.